Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 176 (20. 443) • 1989 йил 29 июль, шанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА



Янги совет парламентининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. СССР Олий Советининг аъзолари 26 июль куни Кремлда палаталарнинг навбатдаги қўшма мажлисига тўпландилар.

Мажлисни **М. С. Горбачев** очди.

Сессияда шу ҳафтада қилинадиган ишларни режалаштираётганимизда, деди у, чоршанба куни Литва ССР, кейинроқ Эстония ССР Олий Советларининг ана шу республикаларни хўжалик ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги таклифларини муҳокама қилишни мўлжаллаган эдик. Бироз кейинроқ Латвия ССР Олий Совети ҳам шундай таклифни тақдим этди. Ана шу республикалардан Москвага жуда кўп ўртоқлар келишди, шу сабабли фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги масала муҳокамасини тугалламаган бўлсак ҳам, бугунги кун тартибини ўзгартирмасликка қарор қилдик. Биз бу масалани муҳокама қилишни кейинроқ давом эттирамиз, бугун эса Литва ССР, Латвия ССР ва Эстония ССР Олий Советларининг таклифларини кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритилади.

Эсингизда бўлса, бу таклифлар съездга киритилган, съезд делегатлари таниқиб чиқишлари учун тақдим этилган эди. Съезд СССР Олий Советига топшириқ берганди. Хуллас, биз, ушбу ҳолда съезд топшириғини бажарамиз. Бундан ташқари, бугун сизларга мазкур масала юзасидан яна иккита ҳужжат тарқатилган. СССР Министрлар Совети билан СССР Госпланининг «Иттифоқдош республикалар экономикаси ва социал соҳасига раҳбарликнинг умумий асослари тўғрисида»ги ҳамда «СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари ҳақида»ги ҳужжатлар тақдим этилган. Бинобарин, бу ҳужжатлар Литва ССР, Эстония ССР ва Латвия ССР делегациялари таклифлари билан боғлиқ масалани муҳокама қилишда маълум асос бўлади.

Бу республикаларнинг таклифлари иқтисодий ислоҳот масалалари комитетида бошқа комитетлар ва комиссиялар иштирокида, ҳукумат органларида кўриб чиқилди.

Доклад учун иқтисодий ислоҳот масалалари комитетининг раиси **В. М. Водогжин**га сўз берилади. У СССР халқ депутатлари съезди томонидан ҳамда СССР Олий Совети қарори билан иқтисодий ислоҳот масалалари комитетига, палаталарнинг тегишли комиссияларига республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш ва, хусусан, Литва ССР билан Эстония ССР Олий Советларининг қонунчилик ташаббуси сифатида тақдим этган ана шу республикаларни 1990 йилдан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиш топширилган эди. Комитетда ва комиссияларда жуда кўп иш қилинди, бу ишда ана шу республикаларнинг раҳбарлари, мутахассислари, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Л. И. Абалкин, СССР халқ депутатлари қатнашдилар.

Депутатлар **Г. С. Таразевич, В. А. Ярин, В. С. Подзирук, Е. В. Коган, А. М. Умеренков, Г. М. Магомедов, В. А. Ивашко, Р. А. Медведев, В. Д. Юдин** ва бошқалар В. М. Вологжинга саволлар ва мулоҳазалар билан мурожаат қилдилар. Иш тартибининг баъзи масалалари юзасидан фикрлар ҳам билдирилди.

Совет Болтиқбўйи республикалари вакилларининг фикрини эшитиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинади.

Минбарга Эстония ССР Министрлар Советининг раиси, депутат **И. Х. Тооме** кўтарилади.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА БЕРГАН ТОПШИРИҚЛАРНИ БАЖАРИШГА ДОИР ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР халқ депутатлари съезди берган топшириқлар СССР Олий Совети, унинг комитетлари, палаталарнинг доимий комиссиялари ва СССР Олий Совети Президиуми ишида оғишмай ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. СССР Министрлар Совети томонидан биринчи навбатда СССРнинг қуйидаги қонунларини тайёрлаш ва СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун тақдим этиши зарур, деб топилсин:

СССРдаги мулкчилик тўғрисида;

ер ва ердан фойдаланиш ҳақида;

ижара ва ижаравий муносабатлар ҳақида;

СССРда ягона солиқ системаси тўғрисида;

«Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги ва «СССРда кооперация тўғрисида»ги СССР қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида;

социалистик корхона тўғрисида;

иттифоқдош республикаларда экономика ва социал соҳага раҳбарликнинг умумий асослари ҳақида;

СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида;

коллектив меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби ҳақида;

СССРда касаба союзларининг ҳуқуқлари тўғрисида (ВЦСПС СССР Министрлар Совети билан биргаликда киритади);

пенсионерларнинг кам таъминланган категориялари пенсиялари миқдорини 1989 йил 1 октябрдан кўпайтириш ҳақида.

3. Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети, СССР Олий Советининг комитетлари, палаталарнинг доимий комиссиялари ва СССР Олий Совети Президиуми мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш чоғида социал соҳа масалаларининг — меҳнаткашлар турмуш даражасини оширишнинг, соғлиқни сақлашни, маданиятни, халқ таълимини ривожлантиришни ҳар томонлама устун даражада таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги СССР халқ депутатлари съездининг кўрсатмаларига қатъий амал қилсинлар.

СССР Министрлар Советига пенсия таъминоти тўғрисидаги СССР қонуни лойиҳасини тайёрлаш ва 1989 йил октябрида СССР Олий Советига тақдим этиш топширилсин.

4. СССР Олий Совети Президиумига СССР Олий Советининг тегишли комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари билан биргаликда қуйидаги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун тақдим этиш топширилсин:

СССР Конституцияси (асосий қонуни)га сайлов системаси масалалари ҳамда ижтимоий тараққиётнинг бошқа энг муҳим масалалари юзасидан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР қонуни лойиҳаси;

СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети регламентининг лойиҳаси;

СФСР қонунлари лойиҳалари:

СССР халқ депутатлари статуси тўғрисида;

сайловчилар ва жамоат ташкилотларининг наказлари ҳақида;

СССР халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида;

СССР халқ депутатлари фаолиятини таъминлаш ҳамда уларнинг депутатлик фаолиятини бажариш билан боғлиқ харажатларини қоплаш ҳақида.

СССР Олий Советининг халқ депутатлари Советларининг иши, бошқариш ва ўзўзини бошқаришни ривожлантириш масалалари комитети СССР Олий Советининг бошқа комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари билан биргаликда СССР Олий Советини ҳар йили янгилаб бориш тўғрисидаги таклифни, СССР Олий Советининг комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари тўғрисидаги низом лойиҳасини тайёрласин ва СССР Олий Совети иккинчи сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

5. СССР Олий Советининг Миллатлар Совети масалани ўрганиб, иттифоқдош республика ўз территориясида давлат ҳокимиятини мустақил амалга оширишлигини, ССР Иттифоқи ихтиёрига берилмаган ҳамма масалаларни ҳал этишини ҳисобга олиб, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқ доираларини янада аниқроқ чегаралаб қўйиш юзасидан таклифлар, шунингдек СССР халқ депутатлари съездида автоном республикалар, автоном областлар ва округлар статуси масалалари, Волгабўйидаги немислар, қрим татарлар, месхети туркилари ҳуқуқларини тиклаш, Совет Иттифоқидаги озчиликни ташкил этувчи бошқа халқларни ривожлантириш масалалари кўтарилганлиги муносабати билан тегишли таклифларни муҳокамага қўйсин.

Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси Тоғли Қорабоғ автоном областидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиб, мазкур масала юзасидан 1989 йил 1 октябрга қадар ўз таклифларини киритсин.

6. СССР Олий Советининг иқтисодий ислоҳот масалалари комитети палаталарнинг тегишли комиссиялари билан биргаликда, иттифоқдош республикалар вакилларининг иштирокида республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш масалаларига оид таклифларни, шунингдек қонун лойиҳаси сифатида Литва ССР ва Эстония ССР Олий Советлари киритган мазкур республикаларни 1990 йилдан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқсин. Бу таклифлар юзасидан хулосалар СССР Олий Советининг ушбу сессияси муҳокамасига тақдим этилсин.

Бошқа иттифоқдош республикалардан тушган ана шундай таклифлар ҳам уларнинг келишига қараб кўриб борилсин.

7. Иттифоқ Советининг план ва бюджет-молия комиссияси, палаталарнинг бошқа доимий комиссиялари ҳамда СССР Олий Советининг комитетлари 1990 йилга мўлжалланган план ва бюджет лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида СССР халқ депутатлари съездининг халқ хўжалигини соғломлаштириш, бюджет танқислигини кескин камайтириш, пул оборотини тартибга солиш, истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан бойитиш тўғрисидаги кўрсатмаларига, шунингдек халқ депутатлари мамлакатнинг иқтисодий мавқеини барқарорлаштириш юзасидан айтган таклифларига асослансинлар.

8. СССР Олий Советининг аграр масалалар ва озиқ-овқат комитети аграрчи депутатлар группасининг съездга қилган мурожаатини ҳисобга олиб, ўз амалий ишида қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, деҳқон меҳнати обрўсини кўтариш, қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасидаги айирбошлашда тенгликни таъминлашга оид туб масалаларни ҳал қилишга асосий эътибор берсин.

9. СССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига қуйидаги вазифалар топширилсин:

СССРнинг суд-ҳуқуқ ислоҳотини амалга оширишга қаратилган ва дастлаб совет жамиятида суднинг мустақиллигини ва устун даражадаги мавқеини таъминловчи қонунлар лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш чоралари кўрилсин;

инсон ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш, меҳнат қонунларини такомиллаштириш, совет гражданларининг ҳуқуқларини ва мансабдор шахслар ҳамда давлат органларининг гайриқонуний ҳаракатлари юзасидан судга берилган шикоятларни суд йўли билан ҳимоя қилишни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни қайта ишлаб чиқиш ташкил этилсин;

интизом ва масъулиятни мустаҳкамлашга, гражданларнинг улар ҳаётига, соғлиғига, шани ва мол-мулкига тажовуздан хавфсизлигини гарантиялашни кучайтиришга, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг пораҳўрликка, уюшган жиноятчиликка, ўғирликларга қарши кураш борасидаги ишида мавжуд бўлган камчиликни тугатишга судларнинг, прокуратура органларининг, арбитражнинг, тергов, милиция органларининг моддий-техника таъминотини ошириш ва мустаҳкамлашга ҳамда улар ходимларининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қатнашсин;

Митинг ва намойишлар уюштириш ва ўтказиш хусусидаги ҳамда СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бурч ва ҳуқуқлари ҳақидаги норматив актлар СССР Конституциясига мувофиқ ёки номувофиқлиги тўғрисида СССР Олий Советига тегишли хулоса тақдим этилсин.

10. СССР Олий Советининг халқаро ишлар комитети ташқи сиёсатга оид, СССР халқаро шартномаларини ратификация қилиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги энг муҳим масалаларни СССР халқ депутатлари съезди кўриб чиқиши тўғрисида таклифлар ишлаб чиқсин, шунингдек совет қўшинларини Афғонистонга киритиш тўғрисида ўз вақтида қабул қилинган қарорга сиёсий баҳо бериб, бу ҳақда СССР Олий Советига ўз хулосасини топширсин.

11. СССР Олий Советининг комитетлари, палаталарнинг доимий комиссиялари, СССР Олий Совети Президиуми, СССР халқ депутатлари съездига ҳамда СССР Олий Советига ҳисоб берувчи бошқа давлат органлари депутатлар съездда айтган конкрет таклифларни таҳлил этиб, умумлаштириб чиқсинлар, бу таклифларни қонун лойиҳасини тайёрлаш ишида, назорат фаолиятини амалга оширишда, гражданларнинг хатлари ва мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштиришда, ўзларига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва тайёрлашда ҳисобга олсинлар.

12. СССР Министрлар Совети съезднинг «СССРнинг ички ва ташқи сиёсати асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш тадбирлари планини ишлаб чиқиб, бу планни СССР Олий Советига тақдим этсин.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1989 йил 24 июль.

РСФСР Олий Совети сессиясида

СССР халқ депутатлари съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан Россия Федерацияси совет ва хўжалик органларининг вазифалари РСФСР Олий Совети Сессиясининг кўриб чиқиши учун тақдим этилди. Сессия 27 июль куни Москвада, Катта Кремль саройида очилди.

М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, В. М. Чебриков, А. В. Власов ўртоқлар президиумга чиқадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси **А. В. Власов** доклад қилди. У беш йилликнинг уч йили мобайнида республика бўйича ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқариш плани оширилиб бажрилганлигини айтди. Ана шундай товарлар ишлаб чиқаришнинг умумий кўпайиши 20 миллиард сўмни ташкил этди. Аммо саноат товарлари бозорида кутилган бурилиш бўлмади. Аҳвол яна ҳам ёмонлашди.

Докладчи чет элдан товар сотиб олиш камайганлиги муайян роль ўйнади, деб уқтирди. Аммо асосий нарса шундаки, деб таъкидлади у, 1986—2000 йилларда РСФСРда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг белгиланган Комплекс программаси ўзгарган иқтисодий ва социал вазиятга зид бўлиб қолди. Совет ва хўжалик органлари аслида ана шу паллани бой бердилар. Улар иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш чоғида вужудга келган истеъмолчи талабининг жуда тез ўсишини барвақт илғаб олмадилар. Худди ана шу номутаносибликлар молиявий системанинг издан чиқиши билан бир қаторда кўпгина товарлар ва хизматлар тақчиллиги ўсиб бораётганини келтириб чиқармоқда, бундай товарлар ишлаб чиқаришда кўрина бошлаган ижобий ўзгаришларни йўққа чиқармоқда.

СССР халқ депутатларининг съездида таъкидланганидек, деб сўзини давом эттирди нотиқ, ушбу нуқсонлар, камчиликлар ва кўпгина иқтисодий ислоҳотнинг бошқа масалаларини ҳал қилишда ҳам ўзгаришлар ҳозирча етарли даражада сезилмаяпти. Ҳаётнинг ўзи бозор муносабатларини ривожлантиришни, ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг белгиланган Комплекс программасини ўзгарган иқтисодий ва социал вазиятга зид бўлиб қолди, деб уқтирди. Аммо асосий нарса шундаки, деб таъкидлади у, 1986—2000 йилларда РСФСРда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг белгиланган Комплекс программаси ўзгарган иқтисодий ва социал вазиятга зид бўлиб қолди. Совет ва хўжалик органлари аслида ана шу паллани бой бердилар. Улар иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш чоғида вужудга келган истеъмолчи талабининг жуда тез ўсишини барвақт илғаб олмадилар. Худди ана шу номутаносибликлар молиявий системанинг издан чиқиши билан бир қаторда кўпгина товарлар ва хизматлар тақчиллиги ўсиб бораётганини келтириб чиқармоқда, бундай товарлар ишлаб чиқаришда кўрина бошлаган ижобий ўзгаришларни йўққа чиқармоқда.

СССР халқ депутатларининг съездида таъкидланганидек, деб сўзини давом эттирди нотиқ, ушбу нуқсонлар, камчиликлар ва кўпгина иқтисодий ислоҳотнинг бошқа масалаларини ҳал қилишда ҳам ўзгаришлар ҳозирча етарли даражада сезилмаяпти. Ҳаётнинг ўзи бозор муносабатларини ривожлантиришни, ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг белгиланган Комплекс программаси юзага келди. Бу программани амалга ошириш шу йилнинг ўзидаёқ ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқариш ҳажмини 10,6 миллиард сўмлик ёки 9,4 процент кўпайтириш имконини беради. Белгиланган суръат беш йилликнинг дастлабки уч йилидагига нисбатан бир ярим баравар кўпдир.

РСФСР Министрлар Советининг Раиси шундан кейин халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни бошқаришнинг барча бўғинларини такомиллаштириш масалаларига тўхталиб, бундай маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналар ва бирлашмалар мустақиллигини ва масъулиятини янада ошириш ана шу ишдаги бош йўл эканлигини таъкидлади. Бирлашмаларнинг янги турлари — концернлар, уюшмалар, иттифоқлар тузиш назарда тутилмоқда, практика кўрсатиб турганидек, буларда қўйилган вазифани ҳал этиш учун катта имкониятлар бўлади.

Докладдан кейин музокаралар бошланди.

Сессия 28 июль куни ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

М. С. ГОРБАЧЕВ Ж. БАТМУНХ билан учрашди



Суҳбат олдидан. ТАСС—ЎзТАГ телесурати.

26 июль куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев амалий ташриф билан Совет Иттифоқига келган МХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ж. Батмунх билан учрашди.

Совет — Монголия ҳамкорлигига, халқаро аҳволга доир муҳим масалалар юзасидан аҳборот айирбошлаш ва фикрлашувлар диққат марказида бўлди.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқидаги ички сиёсий вазиятни таърифлаб, қайта қуриш ўз ривожининг энг қийин босқичига кирди деса бўлади, деб таъкидлади. Жамиятга сиёсий руҳ жадал сингиб бормоқда. Бир-бирига қарама-қарши манфаатлар, орзу-умидлар ва танқиднинг, тилаклар ва муддаоларнинг одатдан ташқари ранг-баранглиги кенг кўламда жамоатчилик онги даражасига кўтарилди. Аммо шу кунларимизнинг умумий белгиси битта — бу ҳам бўлса мамлакат меҳнат коллективларининг, онгли гражданларнинг ижтимоий турмуш барча соҳаларини яна ҳам қатъий ва самарали янгилашни талаб қилаётганларидир. Ижтимоий организмнинг барча бўғинларида масъулият ва реализм ниҳоятда муҳим аҳамият касб этганлигининг боиси мана шундадир.

Бу ҳол КПССни янгича вазиятга қўяди. Замон талабидан орқада қолишни бартараф этиши, жамиятнинг чинакам авангарди бўлиши учун у ўзининг янгиланишини, ўз сафларида демократиялашни жадаллаштириши лозим. Кабинетлардан чиқмай ўтира беришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Меҳнаткашлар ўртасида обрў-эътибор қозонган, улар билан рўйрост ва самарали мулоқот олиб бора оладиган чинакам фаол кишиларни сиёсий ишнинг олдинги маррасига чиқариш муҳимдир. Қайта қуришнинг машаққатли, аммо ҳаётий муҳим бўлган йўлида олға силжишнинг асосий шарти ҳозир мана шундан иборат.

Ж. Батмунх МХРП Марказий Комитетининг кейинги пленумлари чиқарган қарорлар тўғрисида сўзлаб берди, ана шу пленумлар Монголия жамиятида етилган ўзгаришлар программасини белгилади. Маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кечиш иқтисодий ва сиёсий турмушда демократияни кенгайтириш, партия ва мамлакатнинг тарихий йўлига ҳаққоний баҳо бериш, бутун маънавий соҳани янгилаш ҳақида гап боряпти. Ҳамма иш ҳам кўнгилдагидек бўлаётгани йўқ, кўпгина қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келади, аммо МХР коммунистлари, меҳнаткашлари ўзгартишлар зарурлигини англамоқдалар.

М. С. Горбачев монгол ўртоқларнинг юмушлари ва режаларини манфаатдорлик билан англаётганини изҳор этиб, уларга бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибасини ҳам, Монголия Халқ Республикасининг миллий-тарихий ўзига хослигини ҳам эътиборга олувчи қайта қуриш йўлини амалга оширишда муваффақият тилади.

Суҳбатдошлар КПСС билан МХРПнинг социалистик янгиланишга нисбатан ёндашувларининг принципиал муштараклиги СССР билан МХР ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиришини қайд этиб ўтдилар. Бу ҳамкорлик совет ва монгол халқлари анъанавий дўстлиги негизларига, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат принципларига таянмоқда. Бунга халқият бераётган ҳамма нарсаларга зўр ғайрат билан барҳам бериш, ўзаро алоқаларда мумкин қадар кўпроқ самарадорликка эришиш лозим. Икки қардош партиянинг қалин ўртоқлиги бундан буён ҳам баҳамжиҳат самарали ҳамкорликнинг асоси бўлади. Кейинги йилларда бу ҳамкорлик анча чуқурлашди ва бойиди.

Совет Иттифоқи билан Монголиянинг иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги истиқболларига катта эътибор берилди. Ҳамкорлик структурасини анча тўғрилаб олиш, иккала томоннинг манфаатларини ҳисобга олиб, унинг механизмини қайта қуриш тўғрисида принципиал ҳамжиҳатликка эришилди. СССР ва МХРнинг 1991—1995 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш чоғида мўътабар давлат органлари киритиладиган зарур аниқликларни кўриб чиқадилар.

М. С. Горбачев билан Ж. Батмунх иккала мамлакатнинг партия органлари, идеология ҳамда бошқа муассасалари идеология, маданият, илм-фан ва таълим соҳасида КПСС билан МХРП ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш узоқ муддатли программасини фаолроқ, кўпроқ самара билан амалга ошира олишлари мумкин бўлур эди, деган фикрга қўшилдилар. Бундаги мавжуд имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш, турмуш талабларига тезроқ жавоб қайтариш керак.

Халқаро масалаларни муҳокама қилиш иккала мамлакатнинг жаҳонда таркиб топаётган вазиятга берилган баҳоларга ёндашувлари бир хиллигини тасдиқлади. Ж. Батмунх Монголия Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Бухарест кенгаши ҳужжатларида ифода этилган принципиал ғоялар ва ёндашувларни қўллаб-қувватлаётганлиги н н и айтди. У олий даражадаги Совет — Хитой музокараларининг якунлари Осиёдаги вазиятни ривожлантириш учун барқарорлаштирувчи муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтирди. Жаҳоннинг мана шу жуда кенг районида барқарорлик ва яхши қўшничиликни, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш Монголиянинг манфаатлари ва муддаоларига тўлиқ мос келади. М. С. Горбачев МХРнинг Осиё қитъасида икки томонлама ва кўп томонлама сиёсий ҳамда иқтисодий мулоқотни кенгайтиришга, Осиё ва Тинч океан давлатлари ўртасидаги муносабатларда куч ишлатмаслик принципларини қарор топтиришга ижобий ҳисса қўшаётганини табриклади.

Суҳбат Совет — Монголия муносабатларига хос бўлган самимийлик ва ўртоқларча ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

* * *

Шу куни Катта Кремль саройида КПСС Марказий Комитети номидан Ж. Батмунх шарафига зиёфат берилди.

Меҳмон билан бирга унинг сафарида ҳамроҳлик қилаётган Монголия расмий кишилари ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда М. С. Горбачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев ва бошқа ўртоқлар бор эдилар.

(ТАСС).

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

ИЖАРАЧИЛАР ҒАЙРАТИ

● **Нурота районидаги «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхози деҳқонлари ижара пудрати асосида ишлашмоқда.**

Бу йил хўжаликда тўла ижара пудратига ўтилди. Ижарачилар лалми ва суғориладиган ерларга экилган ғалла, сабзавот, полиз экинларини агротехника талаблари асосида парваришлаб, ўзларига тегишли майдонларда мўл ҳосил етилишини таъминлашди. Айниқса Сиддиқ Жумаев, Тўхтамурод Суяров бошлиқ ижарачи коллективлар меҳнат қилган майдонларда лалми арпа ва буғдой ҳосили баракали бўлди.

И. САФАРАЛИЕВ.

БИР ЕРДАН ИККИ ҲОСИЛ

● **Ҳозир Сирдарё области хўжаликларида бошоқли дон ўримга қизғин паллага кирди. Октябрь районидаги «Уч қахрамон» совхозининг 3-бригадасига қарашли Эрназар Ўмирхолов бошлиқ звенода ўрим-йиғим ишлари юқори суръатларда олиб борилди.**

Звено ғаллакорлари жорий йилда 38 гектар майдонга буғдойнинг «Ҳосилдор» навини экишди. Миришкорлар бу йилги қийин об-ҳаво шароитларига қарамай яхши ишладилар. Экиш икки марта озиқлантирилди, уч марта обиҳаётга қондирилди. Шу боис ҳосил мўл бўлди.

О. ҚУЧҚОРОВ,
М. ОДИЛОВ.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ҚАРШИ, 27 июль. (ЎзТАГ). Бугун Қашқадарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди.

И. А. Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайлангани муносабати билан пленум уни область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика План давлат комитетининг раиси бўлиб ишлаган А. Р. Отажонов Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленум область партия ташкилотининг қишлоқдаги оилавий хўжаликлар ва якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш юзасидан партия, совет ва хўжалик органларининг масъулиятини ошириш борасидаги вазифалари тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

— Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

ЯНГИЛАНИШ ИДЕОЛОГИЯСИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

26 июль куни Москвада иш бошлаган Бутуниттифоқ семинар-кенгашида янгиланиш идеологиясининг таркибий қисми бўлган сиёсий ўқиш системасини қайта қуришни чуқурлаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинмоқда. Унда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари ва идеология бўлимларининг мудирлари, партия комитетлари сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг мудирлари, пропагандистлар, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари қатнашмоқдалар.

Семинар-кенгашда КПСС Марказий Комитети идеология бўлимининг мудири А. С. Капто доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида кенг фикрлашиб олинди, салбий тенденциялар ва ҳодисаларнинг сабаблари очиб ташланди, қайта қуриш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Ўқитиш мазмунини тубдан янгилаш, ўқитишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш ва қўлланиш, партия комитетлари сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш, КПСС идеологик фаолиятининг ана шу муҳим соҳасида партия раҳбарлигини демократиялаш ва раҳбарлик даражасини ошириш масалалари семинар-кенгашда қизғин тус олган баҳслар марказида бўлди. Бу масалалар мамлакатдаги революцион ўзгартишлар билан узвий боғлиқ ҳолда, ижтимоий турмушдаги мураккаб, зиддиятли ҳодисалар билан биргаликда кўриб чиқилди.

Партиянинг жамиятдаги янги ўрнидан, унинг замонавий қиёфасини вужудга келтиришдан келиб чиқиб, партия ташкилотлари раҳбарликнинг сиёсий усулларини ўзлаштиришда, КПСС аъзоларининг ғоявий бирлигини таъминлашда марксча-ленинча таълимнинг ролини ошириш йўллари белгилаб олинди. Омманинг сиёсийлашуви, уларнинг социал фаоллиги ошиб бораётган шароитда сиёсий маориф уйлари фаолиятини кучайтириш чоралари белгиланди.

Кўпмиллатли Совет давлатини жипслаштириш, совет экономикасининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, сиёсий ислоҳотни чуқурлаштириш, халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловга тайёргарлик муаммолари юзасидан давра суҳбатлари ўтказилди. (ТАСС).

ОБУНАЧИЛАР ҲУЗУРИДА

— Яқинда «Совет Ўзбекистони» газетаси анкета орқали ўз ўқувчиларига мурожаат қилди. Мен анкета саволлари билан танишиб, ўйланиб қолдим. Нима яхши-ю, нима ёмон — жавоб бериш мушкул. Менимча, газета мақолаларида ошкоралик бўлгани яхши, газета ўз танқидий чиқишлари натижаси учун курашиши керак...

— Газетада одоб-ахлоқ мавзуида кўпроқ мақолалар бериш зарур. Кейинги вақтда бу мавзу анча унутилди. Ваҳолонки, бугун одоб-ахлоқ муаммолари ҳар биримизни жиддий ташвишга солмоқда...

— Жамият оиладан бошланади. Шу сабаб қайта қуриш сустлигини ҳам оиладан қидириш керак...

— Партия ташкилотлари обрўси нима учун тушиб кетгани, уни қандай қилиб кўтариш — бу масалани газета чуқурроқ тадқиқ қилиши шарт деб ўйлайман...

Ана шундай ўнлаб фойдали, қимматли таклифлар «Совет Ўзбекистони» газетхонларининг конференцияларида айтилди. Самарқанд районидаги «Партия XXV съезди» совхоз заводида бўлган конференцияда район хўжаликлари партия ташкилотлари секретарлари иштирок этишди. Ленин номли колхоз партия комитети секретари Э. Мавлонов, Калинин номли совхоз партия комитети секретари А. Муҳаммадиев цех ва бошланғич партия ташкилотлари фаолияти, муаммолари газетада етарли ёритилмаётганини айтишди. Темирйўл районидаги мебель фабрикасида ўтказилган учрашувда эса қўшни корхоналардан келган газетхонлар «Совет Ўзбекистони» газетасида одамийлик масалалари, халқимиз тарихи ҳақида кўпроқ материаллар ўқишни истаётганларини билдирдилар.

Газетамизнинг Самарқанд область бўйича мухбири Ж. Маматов «Совет Ўзбекистони»нинг 1990 йилги мақсад, режалари ҳақида гапирди ва газетхонларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

«Совет Ўзбекистони» газетхонлари конференцияларида область партия ва совет органлари масъул ходимлари иштирок этдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Эстония ССР ва Литва ССРни хўжалик ҳисобига, иқтисодий мустақилликка ўтказиш, деди у, ана шу республикаларнинг халқлари учун — хўжалик механизмини такомиллаштиришда шунчаки бир қадам бўлиб қолмай, бу СССР Олий Совети учун ҳам демократизмнинг, унинг суверен иттифоқдош республикаларга муносабатининг жиддий синови ҳам бўлади. Эстония ва Литва халқлари республикаларда қабул қилинган қонунларда ўз иродасини равшан ифодалади, энди навбат СССР Олий Советига келди. Хўжалик ҳисобидаги республикаларнинг бошқа республикалар ва Марказ билан муносабатлари қандай бўлишини белгилаб бериш лозим.

Эстония ва Литванинг хўжалик ҳисобига ўтиши, деди депутат, бошқа республикалар учун экономикани ривожлантиришнинг замонавий усулларини қўлланишда яхши тажриба бўлади.

Латвия агросаноат комплекси экономикаси илмий-тадқиқот институтининг директори депутат **А. А. Калниньш** Латвия ССР Олий Советининг яқинда бўладиган сессиясида республиканинг иқтисодий мустақиллиги концепцияси кўриб чиқилишини айтиб, Латвияни муҳокама қилинаётган қонун тегишли бўладиган регионлар қаторига киритиш истагини билдирди. Сўнгра нотиқ иқтисодий мустақилликка ўтишга тайёр бўлган ҳар бир республикага иттифоқ ҳужжатларини ишлаб чиқиш тугалланишини кутмай, ўз қонунларини ишлаб чиқишга имконият беришни таклиф қилди.

Республикаларнинг иқтисодий мустақилликка ўтиши зарурлиги равшан ва қўшимча далилларга муҳтож эмас, деди Литва ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари депутат **К.-Д. П. Прунскене**. Қонун лойиҳаси айни иттифоқ нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган, деб таъкидлади у залда айтилган фикрлар билан мунозарага киришиб.

Сўнгра СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари **Л. Н. Абалкин**га сўз берилади.

Муҳокама қилинаётган масалани кўриб чиқаётганимизда, деди у, қайта қуришимизнинг режалари, мақсадлари муштараклигини унутмаслигимиз лозим. Туб иқтисодий ислоҳот социалистик давлатнинг сифат жиҳатдан янада юксакроқ даражага кўтарилишининг таркибий қисмидир. Ҳамма жойда оқилона социалистик хўжалик юритиш принципларига ўтиш, шу жумладан регионал хўжалик ҳисобига ўтиш ана шу ишнинг таркибий қисмидир.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госпланининг раиси **Ю. Д. Маслюков** реал иқтисодий вазиятдан кўра кўпроқ сиёсий тактика мулоҳазалари тақозо этаётган, унинг иборасича, «қизғин қарорлар» қабул қилишда шошма-шошарлик ярамаслигини айтиб, огоҳлантирди. Унинг фикрича, бундай қарорлар қабул қилишга ҳали вақт эрта.

Музокарада сўзга чиққан депутат **Г. И. Фильшин** қонун лойиҳасини ижодий юксалишнинг ишга, маҳсулот сифатига муносабатнинг йирик омили, деб атади.

Депутат **А. И. Чабанов** республикаларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақилликка ўтиши зарур деган фикрга қўшилиб, ўз нутқида бу масалани умумий совет хонадони нуқтаи назаридан қараб чиқиш лозимлигини айтди. Ҳозир бутун дунёда интеграция жараёнлари бормоқда, деб таъкидлади у. Биз эса кучли марказга эга бўлмаганимиз учун алоҳида ўлкаларнинг йиғиндисига айланиб қолишимиз мумкин. Шу сабабли бу муаммони, депутатнинг фикрича, қонунда таклиф этилаётган ва нимани хоҳласак шуни берамиз, деган принцип асосида эмас, балки интеграция, кучли марказни барпо этиш йўлида ҳал қилиш керак.

Биз тарихий ишни бошлаб, экономика ва жамиятимизни реконструкциялашнинг туб масалаларини муҳокама қилишга киришмоқдамиз, деб таъкидлади депутат **Ф. М. Бурлацкий**. Худди ана шу лойиҳани мажлис кўриб чиқиши учун тақдим этиб, президиум тўғри қилдими ёки умумий принциплар тўғрисидаги лойиҳани тақдим этиши керакмиди? Ана шу саволга жавоб берар экан, нотиқ муҳокама қилинаётган ҳужжатнинг катта аҳамияти ва актуаллигини уқтирди, депутатларнинг сўзи ҳам шундан далолат бериб турибди.

Биринчи навбатдаги қонунларни бу йилги сессияда қабул қилишга қарор қилган эканмиз, бундан ана шу қонунлар келгуси беш йилликдан амал қилади, деган маъно чиқмайди, деди депутат **П. Г. Бунич**.

Депутат **В. И. Лисицкий** қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Депутат **В. А. Ярин** муҳокама қилинаётган ҳужжатларнинг муҳимлигини таъкидлар экан, шунга қарамасдан, 90-йилдан бошлаб, республика хўжалик ҳисобининг жорий этилишига қарши овоз бераман, деб таъкидлади ва Россия депутатларига мурожаат қилиб, ўзини қўллаб-қувватлашларини сўради.

Депутат **С. Н. Фёдоров** қабул қилинаётган қонун мамлакатимизнинг умумий тараққиётига ёрдам беради, деб таъкидлади. Чунки мазкур қонун корхоналарнинг мустақиллигини, одамларнинг қўли узун бўлиб қолишини, улар мулкнинг турли шаклларига эга бўлишини, давлатнинг кўп укладлилигини қарор топтиради. Шундай қилмасак, деб таъкидлади нотиқ, буйруқбозлик-бюрократик система сақланиб қолаверади.

Депутат **Ю. Х. Калмиков** тақдим этилган қонун лойиҳасининг айрим ҳуқуқий жиҳатларига тўхталди.

Бугун биз сессия иш бошлаган вақтдан буён энг муҳим ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқмоқдамиз, деди депутат **М. А. Бочаров**. Мустақиллик, давлат буюртмаси, бозор бунёд этишга доир масалалар сира шубҳа туғдирмайди. Ўн учинчи беш йилликни кутиб ўтирмай, буларнинг ҳаммасини иложи борича тезроқ қилиш керак.

Болтиқбўйи республикаларининг 1990 йил 1 январидан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтиш тўғрисидаги таклифини қизғин қўллаб-қувватлаш керак, деб уқтирди депутат **С. С. Алексеев**.

Депутат **И. Н. Грязин** муҳокама қилинаётган масаланинг юридик жиҳатларини юрист сифатида тилга олди. Хўжалик ҳисоби ҳақида гапирар экан, у масаланинг уч жиҳатини таъкидлаб ўтди, буларсиз хўжалик ҳисоби, унинг фикрича, бор-йўғи «навбатдаги бухгалтерия найрангбозлиги» бўлиб қолади. Бу эгалик ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ва тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Шундан кейин **М. С. Горбачев** СССР Олий Совети Раиси номига келган икки телеграмма матнини ўқиб эшиттиради.

Кечки мажлисда **А. И. Лукьянов** раислик қилди.

Кун тартиби масаласи юзасидан мунозара давом эттирилди.

СССР Олий Советининг саноат, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи комиссиясининг раиси, депутат **В. Е. Курташин** Болтиқбўйи республикаларида хўжалик ҳисоби тўғрисида гапирди.

Муҳокама этилаётган масалалар бутун совет халқи учун аҳамиятлидир, деди депутат **Э. И. Вилкас**. Аслида гап социализмнинг янги модели тўғрисида, СССРнинг янги давлат қурилиши ҳақида бораяпти, деди у. Аммо биз бир фикрга кела олмаяпмиз, чунки, афсуски, биз ана шу масалаларни ҳамон ҳар хил тушунаяпмиз. Шу муносабат билан нотиқ бир қанча танқидий фикрларнинг зиддиятли эканлигини айтди.

Бугунги қонун лойиҳасини муҳокама қилишда, деди депутат **А. Н. Саунин** биз бир қанча зиддиятларга дуч келаяпмиз. Энг аввало масаланинг у ёки бу тахлитда қўйилиши тўғри эмас. Унисини ҳам, бунисини ҳам кўриб чиқиш, яъни ўзаро муросага келиш зарур.

Депутат **М. Л. Бронштейн** Эстониянинг мўлжалланаётган хўжалик ҳисобига ўтишининг ўзига хос хусусияти тўғрисида гапириб, бундай қадам республикалар ва умуман иттифоқ халқ хўжалиги комплекслари яхлитлигини ҳеч бир даражада бузмайди, деди.

Депутат **И. Н. Дьяков** ўз нутқида хўжаликни янада оқилона юритишга, экономикани янги изга кўчиришга, республикалараро иқтисодий муносабатларни яхшилашга интилиш қўллаб-қувватлашга лойиқ эканлигини таъкидлади. Эстония билан Литва мутахассислари ва ҳукуматларининг қатъияти — бошқа республикаларга, айниқса Россия Федерациясига намунадир.

Депутат **М. Б. Омонова** барча иттифоқдош республикаларга иқтисодий мустақилликка ўтиш имкониятини бериш зарурлиги тўғрисидаги фикрларни шарҳлаб, бундай масаланинг ўртага қўйилиши унчалик жиддий эмас, деди. Бунга сабаб энг аввало регионларнинг аҳволи бир хил эмаслигидир. Бу кўп жиҳатдан давлатимизнинг жуда катта ҳажмда эканлиги, унинг айрим қисмлари нотекис ривожланиши билан изоҳланади.

Минбарга депутат **В. И. Воротников** чиқади: Эстония ва Литвада, сўнгра эса Латвияда, ана шу республикаларнинг раҳбарлари ва вакиллари айтишича, сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, иқтисодий потенциални мустаҳкамлашга, социал ва бошқа муаммолар нуқтаи назаридан республикалар ривожланишини таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилганлигини табриклаш зарур, деб ўйлайман. Ғоянинг ўзи, мазкур масала қўйилишининг ўзи ана шу республикаларнинг олимлари, мутахассислари олиб борган бундай узоқ ва қунт билан олиб борилган иш ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ҳурмат ва эътиборга лойиқдир, деди нотиқ.

Ўн йиллар давомида сунъий тарзда сақлаб турилган экономика объектив қонунлар асосида ривожланиши учун уни табиий ҳолатга келтириш даркор, деди депутат **В. С. Адвадзе**. Марказлаштиришдан маҳаллий бошқарувга ўтиш, хўжаликни бошқаришни иттифоқдош республикаларга топшириш лозим. Республикаларнинг ҳар бири халқ хўжалиги комплекси олдида ўз мажбуриятлари ошишини назарда тутиб, ана шу жойда тартиб ўрнатиши керак.

Нотиқ бундай улкан мамлакат экономикасини марказдан туриб муваффақиятли бошқариш мумкин эмаслиги тўғрисида гапириб, «кучли Марказ — кучли республикалар» тезисини танқид қилди. Агар гап экономика тўғрисида борса «кучли республикалар — кучли Иттифоқ» дейиш тушунарлироқ бўлур эди. Агар гап бошқарув тўғрисида бораётган бўлса, деб давом этди у, бундай тезис умуман яроқсиздир.

Литва ва Эстония иқтисодий тангликдан қутулишга қарор бердилар, аммо кимдир «бу мумкин эмас, бу Конституцияга мос келмайди» дейишга уринмоқда. Мамлакатда фавқулодда ҳолат юзага келган пайтда эскирган моддаларни рўкач қилиш ярамайди. Болтиқбўйи республикалари таклиф этган ҳужжатлар мамлакатда ва ана шу республикаларда вужудга келган реалликларни ҳисобга олиб, ҳозирги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий тафаккур асосида тузилган, деди нотиқ. Мазкур ҳужжатларни рад этиш учун сабаблар йўқ, шундай қилинса бемаъни иш бўлур эди. Депутат демократиялаш шунчаки қуруқ сўз эмаслигини тасдиқлаш учун мазкур қонун лойиҳасини муҳокама қилишга сиёсий позициялардан ҳам ёндашишга даъват этди. Сўнгра эса иттифоқимиз суверен, тенг ҳуқуқли республикалар иттифоқи бўлиши учун уни қай тариқа қайта қуриш кераклиги тўғрисида ўйлаш лозим.

Депутат **В. А. Карпочев** муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасида гап регионал хўжалик ҳисоби тўғрисида эмас, балки «Болтиқбўйи республикаларининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги ҳақида» бораяпти, деб унга нисбатан кескин танқидий муносабат билдирди. Олий Совет, деди нотиқ, баъзиларга бошқаларга нисбатан имтиёз бермай, балки СССРдаги барча халқларнинг турмуши ва фаолиятини яхшилаш муаммолари билан шуғулланиши керак. Мамлакат ғоят қисқа муддатларда хўжалик юритишнинг янги системасига ўтиши зарур, деди у, аммо барча республикалар бир вақтда ва баббаравар ҳуқуқлар билан ўтиши керак.

Мен ўз ҳаётим давомида, деди депутат **Я. П. Луцанс**, ҳеч қандай самара бермаган кўпгина ислоҳотларнинг гувоҳи бўлдим, чунки улар мажбуран тиқиштирилган нотабиий чала-ярим чоралар эди. Болтиқбўйи республикалари ўртага қўяётган таклифлар, мулкка нисбатан принципиал янги ёндашув бўлиб, кўпгина депутатлар буни Конституцияга зид, деб ҳисобламоқдалар. Бу ҳақиқатан ҳам шундай, аммо Конституция ҳаракатга тўсқинлик қиладиган бўлса, уни қайта кўриб чиқиш даркор.

Депутат **А. -М. К. Бразаускас** Болтиқбўйи республикаларида юқорида иқтисодий мустақилликни ёқлаб келтирилган далиллардан ташқари жуда жиддий тусдаги сиёсий асослар ҳам борлигини таъкидлади. У муҳокама қилинаётган муаммоларнинг ғайриоддийлигини ҳамда уларнинг мамлакат бундан буёнги ҳаёти учун ғоят актуаллигини уқтириб, қуйидагича ўхшатишни келтирди: тоннел охирида ёруғ кўринди, келинглар шу ёруғни ўчирмайлик! Шу билан бирга нотиқ, Болтиқбўйи республикаларининг ташаббуси қандайдир иқтисодий ёки ажралиб чиқишга қаратилган мақсадни кўзда тутмайди, деб таъкидлади. Биз, деди у, мамлакат экономикаси яхлитлигига ҳеч қандай хавф солмаймиз.

Бугун сессиядаги ишимизнинг энг муҳим, энг мураккаб кунларидан биридир, деди депутат **Г. С. Игитян**, аслида гап экономикада дастлабки жиддий қадам қўйиш тўғрисида бормоқда. Айни пайтда бир-биримизга ишонч ҳақида гап бормоқда. Агар биз бир-биримизга ишонмасак, битта хонадонда қандай қилиб яшай оламиз? Ишимизнинг ва жамиятимиз тараққиётининг асоси айни ишончдир, мен шундай деб ҳисоблайман, деди нотиқ.

Музокара тўхтатилди.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** СССР Олий Советининг муҳокама қилинган масалага доир қарорлари лойиҳасини ўқиб беради. Бу қарорларнинг лойиҳаларини депутатларнинг таклифлари ва мулоҳазаларига мувофиқ равишда пухта ишлаб чиқилгандан сўнг келгуси мажлисда овозга қўйишга аҳд қилинди.

Палаталарнинг қўшма мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

* * *

СССР Олий Советининг биринчи сессияси 27 июль куни Кремлда ўз ишини давом эттирди. Эрталаб соат 10 да А. И. Лукьянов раислигида палаталарнинг қўшма мажлиси очилди.

Депутатлар олдинги мажлис кун тартибини кўриб чиқишни тугалламоқдалар.

Сессия депутатларнинг таклифлари ва мулоҳазаларини ҳисобга олиб, Литва, Латвия ва Эстония ССР Олий Советларининг ана шу республикаларни хўжалик ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги таклифи ҳақида қарор қабул қилди.

Қарорлар қабул қилинишининг муносабати билан, овоз бериш сабаблари, шунингдек бошқа баъзи иш тартиби масалалари юзасидан депутатлардан **В. В. Антанайтис, Р. А. Медведев, Ф. М. Бурлацкий, Ю. Н. Шчербак, В. А. Мартиросян, Н. Н. Гриценко, С. И. Азаров, В. А. Тихонов, Г. И. Ревенко, Т. В. Мошняга, Е. В. Коган, Т. К. Исмоилов, Р. Н. Нишонов** ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Депутатлар СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни давом эттирдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг «1989—1990 йилларда СССР Қуролли Кучларини ва мудофаа харажатларини қисқартириш тўғрисида»ги Фармони тасдиқлаш учун тақдим этилади. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети армиядан бўшатиладиган ҳарбий хизматчиларни моддий жиҳатдан таъминлаш масаласи юзасидан СССР Министрлар Советига топшириқни конкретлаштирувчи аниқлик киритиб, ушбу Фармонни тасдиқлашни таклиф этади.

Ҳужжатни муҳокама қилишда депутатлардан **В. Г. Кучеренко, Ю. Ю. Соколова** қатнашдилар. Ю. Ю. Соколова Фармонда армиядан бўшатилган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларини ишга жойлаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарурлигини акс эттиришни илтимос қилди.

Олий Совет палаталари алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан Фармонни таклиф қилинган ўзгартишлар билан тасдиқлади.

«Колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларининг ўзларига қарашли уй-жой фондини тасарруф қилиш ҳуқуқларини кенгайтириш ҳақида»ги Фармон депутатлар муҳокамасига қўйилади.

СССР Олий Совети бу Фармонни муҳокама қилмай кўпчилик овоз билан қабул қилади.

Сессия «СССР Олий Совети Президиумининг» СССР территориясида совет ва чет эл ташкилотлари, фирмалари ва бошқарув органлари иштирокида қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар тузилиши ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги Фармонига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармонини тасдиқлашга ўтади.

Депутатлар **Г. И. Фильшин** ва **Ю. Н. Шчербак** ўз сўзларида Узоқ Шарқ регионида қўшма корхоналарга баъзи имтиёзлар берадиган Фармоннинг амал қилишини Сибирга ҳам татбиқ этишни, шунингдек ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш чоғида қаттиқ экологик мезонларга риоя қилинишини таъминлашни таклиф қилди.

СССР Олий Совети бу таклифларни тегишли комитетлар ва комиссияларга топшириш кераклиги қўшилиб, Фармонни тасдиқлади.

СССР Олий Советининг матбуотда эълон қилинган «СССР халқ депутатлари съезди СССР Олий Советига берган топшириқларни бажаришга доир ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида йўл қўйилган хато хусусида ВЦСПС Раиси СССР Олий Советига мурожаат қилганлиги муносабати билан депутатлар матбуотда тузатиш эълон қилишга қарор қилдилар. Қарорнинг иккинчи бандида СССРда касаба союзларининг ҳуқуқлари тўғрисида гап боради. Ҳужжат лойиҳасини ВЦСПС СССР Министрлар Совети билан биргаликда тақдим этади.

Мажлис қатнашчиларига «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунлари асосларининг 29-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида» СССР Олий Советининг Фармонини тасдиқлаш таклиф қилинади.

Депутатлар тақдим этилган Фармонни палаталар бўйича кўпчилик овоз билан тасдиқлайдилар.

«Касаба союзларининг ишчи назорати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Фармон СССР халқ депутатлари муҳокамасига қўйилади.

Муҳокама қилинаётган масала юзасидан депутатлардан **Ф. М. Бурлацкий, Н. И. Бабченко, И. П. Зелинский, В. М. Десятов, С. Г. Лушчиков, Г. В. Колбин, В. Н. Степанов, В. Т. Одилов, В. Г. Гудилина** ва бошқалар сўзга чиқдилар. Жумладан, ана шу жамоат ташкилотининг структураси, ваколатлари, ҳуқуқлари ва вазифалари тўғрисида мулоҳазалар айтилди. Нотиқлар ана шу Фармонни қўлланиш практикаси, мамлакатнинг контроль органлари системасида ишчилар назоратининг ўрнини белгилаш юзасидан аниқ таклифлар киритдилар. Ҳозирги вақтда касаба союзларининг бундай органи керак эмас, чунки у тақсимотни профессионал даражада текшириши лозим бўлган кишиларнинг вазифаларини такрорлайди, деган фикр айтилди.

Депутатлар палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериб, «Касаба союзларининг ишчилар назорати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Фармонни тасдиқлайдилар.

Танаффусдан сўнг депутатлар СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 7 апрелдаги «СССРда ижара ва ижара муносабатлари тўғрисида»ги Фармонини кўриб чиқишга киришадилар.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** Фармонни қисқача тавсифлаб, бу Фармон ана шу ишда катта силжиш бўлганлигини, лекин амалиёт ҳозир ҳар куни унга тузатишлар киритаётганлигини таъкидлади. Шу сабабли бу Фармон ижара ва ижара муносабатлари тўғрисидаги ҳар томонлама ўйланган катта Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қадар вақтинча чора эканлигини ҳисобга олиш керак, бундай Қонун устида ишлаш биринчи галдаги вазифалар қаторига киритилган.

Тақдим этилган ҳужжатнинг мазмуни юзасидан депутатлардан **М. Т. Мухаметзянов, С. В. Селезнов, Б. Т. Палагнюк, Г. С. Походня, В. А. Тихонов, В. М. Десятов, Н. Г. Бобрицкий, В. А. Губарев, Ю. Н. Шчербак, В. Н. Степанов, В. В. Хмуров** ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Палаталар бўйича овоз бериш натижасида СССРда ижара ва ижара муносабатлари тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш муддатларини қисқартириш хусусидаги ўзгартишларни ҳисобга олиб Фармон тасдиқланади.

Сўнгра СССР Олий Советининг муҳокамасига СССР Олий Совети Президиуми 1989 йил 23 февралда қабул қилган «Кооперативлардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Фармон киритилади. Олий Советнинг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети ушбу Фармонни унга киритилган бир қанча аниқликлар билан тасдиқлашни таклиф қилади.

СССР Молия министри **В. С. Павлов** ана шу ҳужжатнинг баъзи принципиал асослари ва сабабларини тушунтириб беради. У 1987 йилда кооперативлар фаолиятининг дастлабки босқичида бу соҳани рағбатлантириш мақсадида кооперация тўғрисидаги Қонун қабул қилингунга қадар кооперативлардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги қарорга амал қилишга аҳд қилинганлигини эслатиб ўтди.

Фармон лойиҳасини муҳокама қилишда кўп депутатлар қатнашдилар. Мунозара жуда ўткир бўлди. Хусусан, инвалидларнинг кооперативларига диққат-эътибор билан муносабатда бўлиш, хизмат кўрсатиш кооперативларини ишлаб чиқариш кооперативларига тенглаштириш тўғрисидаги масалалар кўтариб чиқилди. Депутат **А. А. Коршунов** сессиянинг кўпгина қатнашчилари фикрини ифодалади. Бизга кооперативлар керак, бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас, деди у. Давлат секторидаги танг жойларни тўлдириш учун кооперативлар керак. Аммо, кооперация байроғи остида ашаддий чайқовчилик авж олиб кетса, кеча судга оширилган ишларни бугун қонун ҳимоя қилса, — буларнинг ҳаммасини дарҳол тақиқлаб қўйиш керак.

Масаланинг мураккаблиги ва вақтнинг зиқлиги туфайли депутатлар фармонни муҳокама қилишга доир мунозараларни душанба куни, 31 июлда давом эттиришга қарор қилдилар.

Кечқурунги мажлисда **Е. М. Примаков** раислик қилди.

СССР Министрлар Советининг Раиси, депутат **Н. И. Рижков** СССР Олий Советининг икки комитети мажлисида диққат билан кўриб чиқилиб, маъқулланган СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясининг раиси лавозимига В. В. Никитин номзодини муҳокама қилишни таклиф этади. Мамлакат агросаноат комплексида муаммолар жуда кўп, деб таъкидлади Н. И. Рижков, шунинг учун ҳам уларни биз бирданига ҳал эта олмаслигимиз мутлақо равшандир.

В. В. Никитин номзоди ҳақида гапириб, нотиқ шундай деди: У умр бўйи қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш зарур, унинг маълумоти шунга мувофиқ, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча поғоналаридан ўтган, РСФСР қишлоқ хўжалик министри, агросаноат давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари, республика министри бўлиб ишлаган. Албатта, олдинда қийин, жиддий иш турибди. Лекин биз номзоднинг билимлари ҳам, тажрибаси ҳам халқ хўжалигининг муҳим тармоғига муваффақиятли раҳбарлик қилишда унга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Келгуси фаолияти программасини баён этиш учун сўз **В. В. Никитин**га берилади. Совет кишилари қачон яхши овқатланадилар, деган азалий саволга жавоб қайтариш зарур, деб таъкидлади у. Бу мақсадга эришиш мумкин, лекин уни фақат жамиятнинг барча аъзолари қатъийлик, машаққат ва изчиллик билан қилган меҳнатлари яқинлаштира олади.

В. В. Никитин депутатларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Номзодни муҳокама қилиш чоғида сўзга чиққан депутатлардан **А. Ф. Касьянов, А. М. Умеренков, К. Е. Иванов, В. И. Цо, Р. А. Аллаёров, В. М. Етилен, Г. С. Походня, А. И. Дубко, И. В. Дорохов, В. И. Самарин** мамлакат агросаноат комплексини ривожлантиришга доир турли муаммоларни кўтардилар, шу муносабат билан ҳукуматдаги мазкур муҳим лавозимга даъвогарга истаклар билдирдилар.

СССР Олий Совети кўпчилик овоз билан В. В. Никитинни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқлайди.

В. К. Сенчаговни СССР Давлат нарх комитетининг раиси лавозимига тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритилади.

Минбарда — **В. К. Сенчагов**. У депутатларни нарх системасининг аҳволи билан таништирди. Нархларда ижтимоий зарур сарф-харажатлар акс этмаслиги маълум, деб таъкидлади нотиқ. Аммо нарх-навода турли товарларга истеъмолчилар берадиган баҳонинг реал нисбати ҳам, социалистик бозор талаблари ҳам ҳисобга олинмайди. Социал суғурта соҳасида ишчи кучи қийматининг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги меҳнатнинг арзонлигига ва машиналарни жорий этишдан наф йўқлигига олиб келмоқда.

Номзод депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

В. К. Сенчагов кўпчилик овоз билан СССР Давлат нарх комитетининг раиси лавозимига тайинланди.

Депутатлар айрим категориядаги гражданлар фойдаланиб келаётган имтиёзларни кўриб чиқувчи депутатлар комиссияси составини тасдиқлашга ўтадилар. Бу масала жиддий бўлиб, жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига қаратар эди.

Раислик қилувчи комиссия состави тўғрисидаги масала муҳокама қилиб бўлинди, палаталарнинг раисларига уни охиригача ишлаб чиқиш вазифаси топширилди, деб қайд этди.

Комиссиянинг составига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.

Масалани муҳокама қилишда депутатлардан **В. А. Губарев, С. Г. Лушчиков, В. А. Ярин, И. П. Зелинский** қатнашдилар.

СССР Олий Советининг аъзолари кўпчилик овоз билан айрим категориядаги гражданлар фойдаланиб келаётган имтиёзларни кўриб чиқувчи комиссия составини тасдиқладилар.

Кейин СССР Олий Советининг келгуси ишини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган баъзи бир масалалар муҳокама этилди.

Палаталарнинг қўшма мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

СССР Олий Советининг биринчи сессияси 31 июлда ўз ишини давом эттиради. **(ТАСС).**

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Корея Халқ Демократик Республикаси парламент делегацияси Ўзбекистон билан танишиб бўлди. Делегацияга КХДР олий халқ мажлиси доимий кенгашининг раиси Ян Хен Себ бошчилик қилмоқда. Делегация СССР Олий Советининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Самарқандга сафар қилдилар, қадимги шаҳарнинг тарихий обидаларини кўздан кечирдилар, Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институтида бўлдилар.

СССР Олий Совети комиссиясининг Тоғли Қорабоғдаги ишлари тўғрисида

Степанакерт, 27 июль. (ТАСС). Бугун Тоғли Қорабоғда С. И. Манякин раислигида Тоғли Қорабоғ автоном области депутатлар комиссиясининг иши якунланди. Бу комиссия СССР Олий Совети томонидан СССР халқ депутатлари съезди топшириғига биноан тузилган эди.

Тоғли Қорабоғ автоном областида 20 июлдан 27 июлгача иш олиб борган даврда комиссия аъзолари область марказида ва автоном областнинг барча районларида бўлдилар. Партия ва совет фаоллари билан, халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда меҳнат коллективларининг аъзолари билан, халқ таълими, маданият, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари билан, СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг алоҳида районда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилари билан учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Бундай учрашувлар одатда корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга бориш билан якунланди.

Комиссия аъзолари Тоғли Қорабоғдаги энг йирик корхоналарнинг меҳнат коллективлари, Арманистон ва Озарбайжондаги энг кўп кескинлик сақланиб турган ва миллатлараро негизда жанжаллар, тўқнашувлар бўлиб ўтган бир қатор қишлоқлар ва посёлкаларнинг аҳолиси билан учрашдилар. Ҳамма ерда аҳолини қабул қилиш ишлари уюштирилди. Бундан ташқари, ҳар иккала миллат қочоқлари билан, уруш ва меҳнат ветеранлари, касаба союз, комсомол, хотин-қизлар, диний, ижодий, хайрия ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари билан учрашиб суҳбатлар ўтказдилар.

Комиссия аъзолари СССР Марказий органларида, Тоғли Қорабоғ автоном области алоҳида бошқарув комитетида, оммавий ахборот органларида, шунингдек Тоғли Қорабоғ автоном области жамоат тартибини сақлаш органларида Тоғли Қорабоғ муаммосига тааллуқли ҳужжатлар, турли ташкилотлардан, меҳнат коллективлари ва айрим гражданлардан келган ариза, хат ва таклифлар, матбуот, радио ва телевидение чиқишлари билан танишдилар.

Жойларда комиссия ишига Тоғли Қорабоғ автоном областининг алоҳида бошқарув комитети, маҳаллий партия ва советлар органлари, шунингдек СССРнинг Тоғли Қорабоғ автоном областидан сайланган халқ депутатлари ёрдам бериб турдилар.

Комиссия умумлаштириб чиққан материал ва таклифлар СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этилади.

Ракеталарни йўқ қилиб ташлаш тугалланди

1989 йил 26 июлда Совет томони ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир шартномаларда кўзда тутилган кам олислик ОТР-22 категориясидаги ракеталарни йўқ қилиб ташлашни тугаллади. Шартномага мувофиқ бундай ракеталарни йўқ қилиб ташлаш 1989 йил ноябрь ойининг охирига қадар тугалланиши лозим эди. Бу шартнома амал қила бошлаганидан буён бутунлай тугатилган совет ракеталарининг иккинчи категориясидир. Биринчиси — ерда жойлаштирилган ўртача олислик қанотли ракеталари СССРда ўтган йилнинг кузида йўқ қилиб ташланган эди. (ТАСС).

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ТИКЛАЙЛИК

Илгари хабар берилганидек, 23 июль куни Сирдарё область Гулистон районидаги Ленин номли колхозда зиддиятли вазият вужудга келди. Оқибатда маҳаллий миллатга мансуб икки киши оғир тан жароҳати олди. Республика касалхонасининг врачлари кўрган барча тадбирларга қарамай, шу кишилардан бири 27 июлга ўтар кечаси вафот этди.

Натижада колхоз қишлоқларида ва ён атрофдаги бир қанча хўжаликлар ва районларда вазият кескин бўлиб кетди. Ичгогарона миш-мишларнинг олдини олиш ва тартибсизликлар чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун областнинг партия, совет органлари республика раҳбар ходимлари иштирокида фаоллик билан тарғибот ва ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Маҳаллаларда, хонадонларда икки миллатга мансуб кишилар билан суҳбатлар ўтказилди. Кескинлик рўй берган жойларда маҳаллий ташкилотлар коммунистлари ва комсомолларидан, шунингдек областнинг қўшни районлари фаолларидан ташкил топган халқ дружиналарининг навбатчилиги ташкил этилди. Жамоат тартибини таъминлаш кучлари мустаҳкамланди. Бирор ерда комендантлик соати жорий этилгани йўқ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сабабларни ўрганиш, можарога бош бўлган ва унда иштирок этган шахсларни аниқлаш юзасидан кўраётган тадбирлардан аҳоли батафсил хабардор қилинди.

Ленин номли колхоз коммунистлари, хўжалик фаоллари, ёшлари ва ветеранларининг йиғилишлари бўлди, бу йиғилишларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатномаси қатъий қўллаб-қувватланди. Бу йиғилишларнинг қатнашчилари мазкур хўжаликда яшаб меҳнат қилаётган барча миллатларга мансуб кишилар номидан содир бўлган воқеа муносабати билан таассуф билдирдилар, республика раҳбариятига мурожаат қилиб, ўз кучимиз билан осойишталик ва жамоат тартибини ўрнатамиз, яхши қўшничилик муносабатларини тиклаш учун барча чораларни кўрамиз, деб ишонтирдилар.

Меҳнаткашлар билан суҳбатлар ва учрашувлар чоғида иқтисодий ва социал тараққиёт, одамларнинг турмуш даражасини ошириш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Область партия-хўжалик фаолларининг куни-кеча бўлиб ўтган йиғилишида гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш борасида қабул қилинган қарорлар катта қизиқиш билан маъқуллаб кутиб олинди. Мазкур колхоз жойлашган Киров қишлоқ Советининг айрим маҳаллаларини газлаштириш, телефон ўтказишни тугаллаш учун шошилинч чоралар кўрилди.

Гарчи колхоз, район ва областдаги вазият бирмунча кескин бўлиб турган бўлса ҳам, аҳволни маҳаллий ҳокимият органлари тўла назорат қилиб турибдилар. Корхоналар ва хўжаликларнинг меҳнаткашлари бир маромда меҳнат қилишмоқда, хизмат кўрсатиш соҳасининг барча шохобчалари ишлаб турибди.

Озиқ-овқат программасининг бўғинлари

ҚИШЛОҚ ТЎЙСА– ШАҲАР ҲАМ ТЎЯДИ







Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экономикасини мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш, деҳқонларнинг турмуш шароитини яхшилаш муҳим вазифа қилиб қўйилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленумида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорлари Қурултойида ана шу долзарб масалага алоҳида эътибор берилди. Ана шу анжуманларда ҳозирги куннинг энг асосий муаммоси деҳқонга ернинг, агросаноат комплекси билан боғлиқ ҳамма нарсаларнинг тўлақонли соҳиби бўлиш ҳуқуқини қайтаришдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилди. Буни республикамиздаги кўплаб хўжаликлар тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Иқтисодий ислоҳот, қайта қуриш туфайли вужудга келган янги имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланилаётган жойларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бу ерларда «Қишлоқ тўймаса — шаҳар тўймайди» деганларидек, авало хўжалик меҳнат аҳлини сабзавот, мева ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга киришилди.

Хоразм область, Янгибозор районидаги «Ленинизм» колхозида бу борада муайян ютуқларга эришилмоқда. Коллектив ўтган йили ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Шу билан бирга редиска, карам, помидор ва бошқа экинлар ҳам экилди. Бу йил эса ғўзага ажратилган майдонлар 40 гектардан знёдга камайтирилди. Пахтанинг ялпи ҳосили миқдорини камайтирмаган ҳолда ана шу ерларда сабзавот, мева, узум ва полиз экинлари ўстирилаётир. Колхоз миришкорлари ана шу йўл билан пахта якқаҳокимлигига зарба беришга, экин майдонларида алмашлаб экишни кенг жорий этиш туфайли ҳосилдорликни оширишга ҳаракат қилишаётир.

Хўжаликда пахтадан бўшаган майдонларнинг асосий қисми колхозчиларга қўшимча томорқа майдони сифатида бўлиб берилди. Бу ишлар қишлоқ Совети ва колхоз раҳбарларининг ташаббуси билан амалга оширилди. Қишлоқ одамларининг мамлакат Озиқ-овқат программасининг бажарилишига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш мақсадида деҳқонларга анчагина майдонларни ижарага олиш имконияти яратилди. Бу тадбирлар колхозчиларни ва уларнинг оила аъзоларини озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш ҳамда хўжалик бўйича йиллик план ва мажбуриятларни ортиғи билан бажариш имконини беради. Ўз-ўзидан равшанки, шундай тадбир-чоралар турмушнинг кўпгина муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Иккинчи томондан эса деҳқон ернинг ҳақиқий хўжайинига айланади, унинг кайфияти кўтарилади. Ҳаётга иштёқи ортиб, келажакка ишончи мустаҳкамланади.

Хўжаликда бу йил айниқса Ўрозметовлар оиласи ижарага олган 14 гектарлик боғда мўл ҳосил етиштирилди. Улар кунига 1,5-2 тонна ўрик териб олмоқдалар. Чапда Солия Ўрозметова билан Қурбоной Юсупова ўрик теримида. Ўртада эса Бўзқалъа қишлоқ Советининг раиси Шомурод Рўзматов билан ижарачи Екатерина Бобохонова маккажўхоризорда. Бу оила 5 гектар ерни ижарага олиб, мўл маккажўхори дони ва картошка етиштирмоқда. Колхоз бош агрономи, қишлоқ Совети депутати Назар Йўлдошев (ўнгда) колхозчи Рўзмат Авезовнинг ижарага олган участкасида. Унинг 6 гектар ерида полиз экинлари, картошка, оқ жўхори етиштирилмоқда.

Қ. ОТАЕВ суратлари (ЎзТАГ).

• *Сурат-лавҳа*

РАҲМ-ШАФҚАТ УЧУН МУКОФОТ

Ангрен болалар касалхонасига Москвадан соғлиқни сақлаш министри Е. Чазов ҳамда медицина ходимлари касаба союзи марказий комитетининг раиси Л. Новак имзолаган қувончли телеграмма келди. Коллектив мамлакат медицина муассасалари ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига мувофиқ Фахрий ёрлиқ билан мукофотланди.

Ангрен медицина ходимлари даволаш-профилактика ишларини аниқ мақсадни кўзлаб олиб борганликлари учун ана шу мукофотга сазовор бўлдилар. Кончилар шаҳрида болалар ўлими муттасил камайиб бормоқда. Бу кўрсаткич ҳозир Тошкент областидаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кам. Врачлардан М. Эшмуродова, А. Ким, А. Валиева, ҳамширалар О. Кайгородова ва М. Шелудьколарнинг меҳр-шафқати, юксак касб маҳорати касалликка диагноз қўйиш, уларни даволаш билан боғлиқ масалаларни тез ҳал қилишга ёрдам бермоқда.

Касалхонада даволаш базасини мустаҳкамлашга катта эътибор бериляпти. Яқинда бу ерда даволаш-соғлиқни тиклаш ва шошилинч жарроҳлик бўлимлари очилди. Касалхона ҳузурида оналарнинг сиртқи мактаби ҳам фаол иш олиб бормоқда.

(ЎзТАГ).

ЖАБРДИЙДАГА ХАТ

Фельетон ўрнида

— Алло, редакциями? Бўкадан телефон қиляпман. Район умумий овқатланиш корхонасининг собиқ директори Озод Пайшанов бўламан. Ўзларингизга маълумки, тўрт йилдан буён адолат излаб юрибман. Кирмаган идорам, учрашмаган одамим қолмади. Ҳолдан тойдим. Тўрт фарзандим ва рафиқамга жуда жабр бўлди. Уларга қарам бўлиб қолдим. Ахир, мен ҳам инсонман-ку! Намунча қийнашади?! Гуноҳим бўлса, аччиқ ичакдай чўзиб юрмай, тезроқ бўйнимга қўйишсин-да, қамаб юборишсин!

«Озод Пайшанов! Бир йилдирки, кунда, кун ора ана шундай дард-алам билан мендан нажот истайсиз. Ўша оғир дамда кўз ўнгимда шўрлик отажонимизга ёрдам берингдар, деб жовдираб турган болаларингиз, оиланинг тоғдек оғир ташвишини миттигина елкасига ортмоқлаб келаётган жафокаш рафиқангиз Рисолат опа намоён бўлади. Ҳа, ҳақиқатан ҳам арз-додингизга астойдил қулоқ тутадиган, шикоят-аризаларингизни виждонан синчиклаб ўқиб чиқиб, сизнинг ҳақ ёки ноҳақлигингизни одилона холис ҳал қилиб берадиган киши топилмай турибди.

Мана, қўлимда бир даста қоғоз. Бу ҳужжатларнинг ҳаммаси сизга, ўртоқ Озод Пайшанов, сиз билан бирга ҳақиқат излаб сарсон-саргардон бўлиб юрган Екатерина Кириакиди, Убайдулла Йўлдошев ва Аҳмад Бояровга тегишли. Ўш, сизларга қандай айб қўйилганди? Тошкент область суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг 24-сон ажримида (1987 йил 20 январь) бу саволга аниқ жавоб бор. Уни айнан келтирамиз:

«Пайшанов Озод 1984 йил октябрь ойидан 1985 йил июнь ойига қадар Бўка район умумий овқатланиш корхонасининг директори бўлиб ишлаб келган даврида омбор мудири Аҳмад Бояров, тайёрловчи Убайдулла Йўлдошевлар билан жиноий алоқада бўлиб, 147579 сўмга 25262 килограмм гўшт сотиб олганлик ҳақида қалбаки квитанциялар ёзиб, бу гўштлар кафе ва чойхоналарга тарқатилди деб қалбаки ҳужжатлар расмийлаштирган, план аслида 95,3 процент бажарилган бўлса-да, 100,3 процент бажарилган деб нотўғри маълумотлар киритилган.

Екатерина Ивановна Кириакиди Бўка район умумий овқатланиш ташкилотида 1984 йилнинг сентябрь ойидан 1985 йил июнь ойига қадар бош бухгалтер бўлиб ишлаб, аслида сотиб олиниб, тайёрланмаган 25262 килограмм 147579 сўмлик гўштни тайёрланди деб қалбаки квитанциялар расмийлаштириш йўли билан ҳақиқий бажарилган 95,3 процент планни 100,3 процентга кўпайтириб, 5798 сўм 88 тийин мукофот пули олинишига йўл қўйган. Шундан шахсан ўзи 318 сўм 41 тийин олган».

Шунингдек, мазкур ҳужжатда Убайдулла Йўлдошев билан Аҳмад Бояровга қўйилган айблар ҳам алоҳида-алоҳида ёзилган.

Ҳазилакам даъволар эмас а?! Буни «фалончи ундай деди, писмадончи бундай деди» қабилидаги ҳавойи гаплар билан эмас, Бўка район умумий овқатланиш корхонасидаги муҳрланган ҳужжатлар асосида исботлаш керак. Тошкент область мутлубот жамиятига қарашли контроль-ревизион бошқармаси катта ревизори Н. Б. Беризовский текшириш ўтказганда 1984 йил биринчи сентябрдан то 1985 йил биринчи январгача бўлган ҳужжатлар Давлат архивига топшириб юборилгани маълум бўлди. Давлат архиви эса уларни ўз навбатида Бўка район тайёрлов идорасига чиқинди қоғоз сифатида ўтказиб юборибди.

Жабрдийда Озод Пайшанов! Бу ишни сиз, найрангбозлик, деб баҳолаган эдингиз. Ҳақ гап! Жиноий иш ҳақида ҳали аниқ тўхтамга келинмаган бир пайтда муҳим ҳужжатларнинг атайлаб йўқотилиши терговдаги қалбакиликларни хаспўслаш учун ўйлаб топилган найрангбозликдан бошқа нарса эмас!

...Маълумки дастлабки терговни Бўка район прокурорининг ёрдамчиси Исмоил Юсупов олиб борди. Кўп кунлар давомида 150 киши гувоҳ тариқасида сўроқ қилинди. Бу ўта маъқақатли ва масъулиятли вазифани «шараф билан» адо этишда Исмоил Юсуповга кўплаб бошқа мутахассислар ҳам астойдил ёрдам беришди. Сизнинг таъбирингиз билан айтганда, ўртоқ Озод Пайшанов, тергов ҳашар усулида олиб борилди.

Хуллас, 71/20 сонли жиноят иши папкалари тезкорлик билан семириб борарди. Ўртоқ Исмоил Юсуповнинг кўп кунлик тинимсиз меҳнати ўз самарасини бермай қолмади, албатта. Буни, ҳурматли О. Пайшанов, редакцияга ёзган хатингиздан ҳам билиб олиш мумкин. Сиз шундай дебсиз: «Мени 1985 йил 17 июнда ноҳақ ишдан бўшатиб, партия сафидан ўчиришди. 1985 йилнинг 30 октябрида қамоққа олиндим. Йигирма ойю ўн олти кун деганда озод этилдим».

Таажжубланарли жойи шундаки, мазкур жиноий иш «воқеа содир бўлган» жойда — Бўкада кўрилмади. Бўка район халқ суди бунга имконият тополмадими? Ишониш қийин...

Хуллас, том-том жиноий иш делоси олис йўл босиб, Ангрен шаҳар халқ судига етиб борди. 1986 йилнинг 29 августидан 8 октябригача суд давом этди. 150 гувоҳ ва бошқа кишилар ҳар куни Бўкадан Ангренга қатнаб туришди. Ғаройиб сарсонгарчилик, деб шуни айтса бўлади. Хўш, ўшанча одамнинг ҳаммаси ҳеч қаерда ишламайдиган бекорчи кишилар эдими? Бундай деб бўлмайди...

Суд тергови пайтида И. Юсупов йўл қўйган жиддий камчилик ва хатолар яққол кўриниб қолди. Шу сабабдан жиноий иш қўшимча терговга юборилди.

Орадан ўн ой чамаси фурсат ўтгач, қайта-қайта тергов ва йўл азобидан безор бўлган ўнлаб кишилар Пискент шаҳрига йиғилишди. Иш 1987 йил 15 июлдан 21 августгача Тошкент область судининг жиноят ишлар бўйича судлов коллегияси очиқ суд мажлисида қайтадан кўрилиб, ажрим чиқарилди. Унда, жумладан, бундай дейилади: Озод Пайшанов, Екатерина Ивановна Кириакиди, Убайдулла Йўлдошев ва Аҳмад Бояровнинг жиноий иши қайта тергов ўтказиш учун Тошкент область прокуратурасига юборилсин.

Шундан кейин, ўртоқ Озод Пайшанов, «ижодий изланиш» қизғин давом эттирилди. 71/20 рақамли жиноий иш ўтган йил охирларида Оққўрғон район прокуратурасига етиб борди. Тергов давом эттирилди. Тағин сизларга қўйилган айблар ўз тасдиғини топмади. Жиноий иш Ўзбекистон ССР Жиноят процессуал кодексининг 175-модда 2-қисми билан ҳаракатдан тўхтатилди (1988 йил 24 октябрь). Юқоридан олинган топшириққа биноан жиноят ишини ўз қўлига олган Бекобод шаҳар прокуратураси ҳам айнан шундай қарорга келди (1989 йил 26 май).

Қисқаси, қайта-қайта терговлару судловлар терговчи Исмоил Юсупов тўқиб чиқарган уйдирмалар пуч эканлигини тасдиқлади, судван ҳолва ясаш асло мумкин эмаслигини исботлади.

Жабрдийда Озод Пайшанов! «Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ», — дейдилар. Сизга яна андак сабр-бардош тилайман...

Усмон ЮСУПОВ.

• *Луқма*

Миш-мишлар қандай пайдо бўлади?

Ўзбекистон телевидениеси ўтган сешанба — 25 июль кунги кечки кўрсатувларидан бирини қадрият мавзусига бағишлаб гоят хайрли ишга қўл урди. Кўрсатувда Олтинкўл районидан Афғонистонда ҳалок бўлган байналмилал-жангчиларнинг муштипар оналари шаҳид кетган фарзандлари хоки устида унсиз бўзлаб турганларини телеоператор ўзига хос маҳорат билан лентага кўчирганини кўрдик. «Болам — саккиз боламнинг энг паҳлавони эди...» дея нола қилган онанинг фарёди юракларни ларзага солди, зирқиратди. Шоир Муҳаммад Юсуф мотамсаро оналар мунғайиб ўтирган даврага тиз чўкиб, кўзда ёш билан «Афғон қирларида сўлган чечаклар» шеърини ўқиганда она юртидан узоқларда жон берган, «бир қизнинг бармоғига бармоқ урмаган» йигирма ёшли йигитларнинг жувонмарг қисматлари бутун фожеавий ҳолати билан кўз ўнгимизда гавдаланди. Кўрсатувнинг иккинчи қисмида собиқ «афғон» жангчисига муносабатда Гиппократ қонунини унутган «шифокор»ларнинг тошмеҳрлиги хусусида ҳикоя қилинди. Биз, минглаб телетомошабинлар ҳам Пахтаобод районининг «Андижон» совхозида истиқомат қилаётган собиқ байналмилал-жангчи Ғанижон Қўзиевнинг аччиқ қисматига шерик бўлдик.

Аммо... кўрсатувни олиб бораётган Ўзбекистон телевидениеси ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар бош редакциясининг ходими байналмилал-жангчилар тақдирига ўз муносабатини билдирар экан, дабдурустдан Афғонистонда ҳалок бўлган ўзбекистонлик йигитларнинг умумий рўйхати хусусида янги рақамларни тилга олди. Афғон тупроғида ўлганлар уч минг киши, деб эълон қилди! Кўрсатув муаллифи бу рақамни келтириб, айни пайтда яқинда байналмилал-жангчилар рўйхатини босиб чиқарган «Ёш ленинчи» газетасига ишора қилиб ўтди. Ажабо, қатор газеталар, шу жумладан, «Ёш ленинчи» ҳам Афғонистон тупрогида ҳалок бўлган ўзбекистонлик йигитлар 1407 кишидан иборат эканлигини ёзган эдилар. Яна салкам 1600 «марҳум» рўйхатини телевидение қаердан олди экан? Журналистнинг ўзи ҳақли равишда таъкидлаганидек, Афғонистонда бевақт ўлимга маҳкум этилган ҳар бир йигитнинг дарди, фожиаси нақадар оғир! Бас, шундай экан, бу дардни сунъий равишда яна салкам 1600 тага кўпайтириш...

Ҳаётдаги ҳар хил миш-мишлар, ваҳимали гаплар одатда мана шундай «майда», «арзимаган» ноаниқликлардан келиб чиқмайдими? Миллионлаб телетомошабинлар қаршисида маъруза айтаётган, айниқса, ижтимоий кулфат хусусида ҳакамлик қилаётган одам ўзининг ҳар бир сўзи, ҳар бир ургусини қайта-қайта ўлчаб олмоғи зарур эмасми?

Худди ўша куни Ўзбекистон телевидениесида яна бир муҳим ижтимоий ахборот эълон қилинди. Унда Гулистонда бўлиб ўтган тўқнашув хусусида гап борди. Сирдарё область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Муҳиддин Полвонович Нарзиқулов: «Можарода маҳаллий миллат вакилларидан бир киши (?) жароҳатланди. Биз уни касалхонага ётқиздик, энг малакали шифокорлар унинг ҳаётини асраб қолиш устида жонбозлик кўрсатишмоқда», дея маълум қилди. Ажабо! Бир неча дақиқа муқаддам берилган «Ахборот» кўрсатувида эса бу рақам ўзгача эди. «Зангори экран»да айнан бир воқеани айни бир пайтда икки хил талқин қилишимиз чиндан ҳам ажабланарли ҳол эмасми? 26 июль кунги тонгги газеталарда ҳам «...можаро натижасида маҳаллий миллатга мансуб 2 (!) киши жароҳатланди», деган хабар босилди.

Кимга ишониш керак? Ўқувчи ва телетомошабиннинг яна боши қотади. Бунинг устига ўртоқ Нарзиқулов: «Мен ҳозиргина воқеа содир бўлган Гулистон районидаги Ленин номли колхоздан тўғри телестудияга келдим» дея гувоҳлик ҳам берди.

Тўғри, дастлабки ахборотда кейинги воқеа, тафсилотлар ҳисобга олинмай қолган бўлиши мумкин. У ҳолда... шуни очиқ-ойдин айтишимиз керак. Наҳотки, Фарғона воқеаларини ёритишда тилимиз куйгани етарли бўлмаса?

Қайта қуриш пойдевори фақат ҳақиқатга таянади. Зеро, республика партия ва ҳукуматининг ўзбек халқига ва республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаатидаги ушбу сўзлар ҳам худди шуни ифодалайди: **«Фан ва маданият арбоблари, Сизларга алоҳида умид билан боқамиз. Ақли расо сўзингизни айтинг, олиму-фозилларимиз! Сўз еҳрини заргарона ишга солинг, азиз санъаткорлар, токи халқ бахт-саодати парокандалик билмасин!»**

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.

Дунё овози

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

РИМ. (ТАСС). СССРнинг Миландаги Бош консулхонасида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевга Италиядаги герман маданияти институтининг 1988 йилги олтин медалини топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Мамлакатнинг мана шу катта ва нуфузли маданий уюшмаси 1981 йилдан бери ушбу мукофотни «Жаҳон маданиятини ривожлантириш манфаатлари йўлида» халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган «атоқли сиёсат ва давлат арбобларига» бериб келмоқда. Кейинги беш йил давомида мукофот берилмади, чунки институт раҳбарларининг фикрича, «унга муносиб одамни топиб бўлмади».

Мукофотни таъсис этувчилар унн тантанали вазиятда бош консулхона вакилларига топширдилар. Институт президенти Ренато Пертегелла маросимда сўзга чиқиб, М. С. Горбачевнинг ялпи хавфсизликни ва тинчликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлигини айтди.

ДОИМИЙ МАСЛАҲАТ КОМИССИЯСИНИНГ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ЖЕНЕВА (ТАСС). Бу ерда Совет — Америка доимий маслаҳат комиссиясининг навбатдаги сессияси ўз ишини тамомлади.

Комиссия СССР билан АҚШ ҳукуматлари ўртасида 1972 йил 21 декабрдаги аҳдлашувга доир меморандумга мувофиқ СССР ва АҚШ ўртасида тузилган стратегик қуролларни чеклаш ҳақида ва ядро уруши чиқиши хавфини камайтиришга оид тадбирлар тўғрисида тузилган битимларнинг мақсад ва қоидаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун таъсис этилган эди.

СССР ва АҚШ вакиллари доимий маслаҳат комиссияси навбатдаги сессиясининг ишини 1989 йил 1 ноябрда Женевада бошлаш тўғрисида келишиб олдилар.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

● АДДИС-АБЕБА. Сўнгги йилларда Африка Бирлиги Ташкилоти (АБТ) қайтадан тикланмоқда, деди унинг бош секретари Иде Умару. У сешанба куни АБТ аъзолари бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари ассамблеясининг бу ерда ўтаётган XXV сессиясида бош секретарлик лавозимини эгаллаб турган тўрт йил давомида қитъа ташкилотининг фаолияти тўғрисида доклад қилди.

АБТ фаолияти Намибияда мустамлакачиликни тугатишга кўп жиҳатдан ёрдам берди, деб таъкидлади И. Умару. АБТнинг Виндхукдаги кузатувчилар миссияси БМТ хавфсизлик кенгашининг 435-резолюциясига риоя этилишини кузатиб турибди, намибиялик қочоқларни ватанга қайтаришда иштирок этмоқда. Ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларнинг воситачилиги туфайли Анголада миллий яраш жараёни бошланди. Бу эса Мозамбикдаги аҳволни нормаллаштириш учун намуна бўлиши керак, бу ерда «Мозамбик миллий қаршилик кўрсатиш» ташкилотининг каллакесарлари Жанубий Африка Республикасининг ҳарбий ёрдамидан фойдаланиб, қўпорувчилик қилмоқдалар. ЖАРда ҳукмронлик қилаётган янги миллатчи партия раҳбарининг мамлакатдаги «ўзгаришлар» тўғрисидаги баёнотидан биз алданмаслигимиз керак. Апартеидни ислоҳот қилиб бўлмайди, уни тугатиш учун курашни давом эттириш зарур, деди И. Умару.

● АММОН. Исроил президенти Хаим Герцог яҳудий мустамлакачиларининг ҳаракатлари кўпинча «ваҳшиёна» эканлигини тан олди. У Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида яҳудийларнинг қароргоҳларида яшаётган қуролли мустамлакачиларнинг арабларга ҳужуми кейинги вақтда авж олиб кетганлиги хусусида Тель-Авивда гапириб, бундай ҳаракатлар муаммони ҳал қилишга мутлақо кўмаклашмайди, балки кескинликни кучайтиришга олиб боради ҳамда ҳамма томондан қабул қилинган инсоний нормаларни менсимасликдан далолат беради, деди.

● ДЕҲЛИ. Шри Ланкадаги Ҳиндистоннинг тинчликни сақлаш кучлари мамлакат президенти Ранасингхе Премадесанинг талабига мувофиқ оролдан олиб кетиладиган 29 июль куни яқинлашган сари у ерда вазият кескинлашиб бормоқда. Ахборот агентликларининг хабар беришича, Шри Ланканинг шимоли-шарқий вилоятида ҳаракат қилаётган учта Тамиль тўдалари оролнинг мана шу қисмида тамилларнинг алоҳида давлатини тузишга қарор берганликларини эълон қилди. Улар Ҳиндистон солдатлари дарҳол олиб чиқиб кетилишига ҳам қарши чиқмоқдалар. Уларнинг талабларини вилоятнинг бош министри А. В. Перумал ҳам қўллаб-қувватлади.

● БАЙРУТ. Ливан пойтахтида энг кескин вазият ҳамон уни мусулмонлар ва христианлар секторига ажратадиган «яшил чизиқ» бўйлаб сақланиб турибди. Ливаннинг тоғлик районларида, хусусан Дералвахш районида кучли отишма бўлди. «Ас Сафир» газетасининг хабар қилишича, ўн бир киши яралор бўлган.

Кеча Исроил артиллерияси Фажур, Шебаа ва Сарира (Ливан жанубида) аҳоли пунктлари атрофига ўнлаб фосфорли снарядлар отди. Зайтунзорларда ёнғин чиқди. Мимас посёлкаси яқинида босқинчиларнинг жазо отряди Ливан территорияси ичкарисига кирди. Босқинчилар икки соат давомида партизанларни қидириш баҳонасида автомат қуроллардан ўқ узиб, жойни тинтиб чиқдилар. Кўнгирчоқ «Жанубий Ливан армияси» отрядлари Ливандаги БМТ муваққат кучлари контингентининг бир қанча постларига ҳужум қилди.

● ҚОҲИРА. Исроил босқинчилари Фаластин аҳолисига қарши босиб олинган араб территорияларида яна жиноят қилдилар. МЕНА агентлигининг хабар қилишича, кеча жазо отряди жангчиларининг ҳаракатларидан юзга яқин киши жабрланди, шундан 19 киши ёш болалар бўлиб, улар босқинчилар отган ўқдан, ишлатган кўздан ёш оқизувчи газ ҳамда намойишларни бостиришнинг бошқа воситаларидан яралор бўлган, заҳарланган, шикаст ва оғир лат еган. Сешанба куни араб йигити бир кун олдин Исроилга қарши намойишни тарқатиб юбориш чоғида теккан ўқдан ҳалок бўлди. Ғазо ва Рафақда яна икки фаластинлик ўлдирилди.

Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида ва Ғазо секторида фаластин қўзғолонига бирлашган раҳбарликнинг даъватига мувофиқ бугун ва эртага босқинчиларга қарши курашни кучайтириш кунлари ўтади.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетидан

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети 1989 йилги Ҳамза номли Давлат мукофотини олиш конкурсида қатнашиш учун қуйидаги номзодлар тақдим этилганлигини маълум қилади:

АДАБИЁТ ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК СОҲАСИДА

1. **Жумамуротов** Тлеуберген Купбатуллаевич. «Красавица Макарья» («Гўзал Макарья») шеърий романи.

Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи правлениеси тақдим этган.

2. **Иванов** Андрей Митрофанович. Танланган асарлар: шеърлар, поэмалар. «Свежесть века» («Аср субҳидами»).

«Звезда Востока» журнали редколлегияси тақдим этган.

3. **Камолов** Жамол (Жамол Камол). «Умидли дунё» шеърлар тўплами.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси тақдим этган.

4. **Матчонов** Омонбой (Омон Матчон). «Гаплашадиган вақтлар» шеърлар тўплами.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультетининг илмий кенгаши тақдим этган.

5. **Тўлахўжаев** Туроб Тўлахўжаевич (Туроб Тўла) Қўшиқлар туркуми.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети тақдим этган.

6. **Тўхтабоев** Худойберди. «Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги» романи.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти тақдим этган.

7. **Фозилов** Носир Йўлдошевич, «Ўзтозлар давраси да» насрий тўплами.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти тақдим этган.

8. **Алимов** Ғулом Ҳамиджонович (Шуҳрат). Икки томлик танланган асарлар.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ўзбек ва қозоқ филологияси факультетининг кенгаши тақдим этган.

9. **Юсупов** Иброҳим. «Аласатли дунья бул» («Бу турфа олам»). «Раҳмат сенга, замоним» шеърий тўпламлари, «Булбул уясн» поэмаси.

«Амударё» журнали редколлегияси тақдим этган.

10. **Ғафуров** Иброҳим Усмонович. «Ўттиз йил изҳори» адабий-танқидий мақолалар тўплами.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи танқид ва адабиётшунослик кенгаши тақдим этган.

11. **Норматов** Умарали. «Қалб инқилоби» адабий-танқидий мақолалар тўплами.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи танқид ва адабиётшунослик кенгаши тақдим этган.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ СОҲАСИДА

1. **Муҳаммаджонов** Шомаҳмуд Шоҳодиевич — рассом, Ўзбекистон китоб безаш ва миниатюра тасвири анъанасини қайта тикловчи асарлар туркуми.

Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси тақдим этган.

2. **Турсунназаров** Йигитали — рассом. «Уйғониш», «Чекист ветеранларнинг оқшомги суҳбати», «Инсон ва сайёра», «Сукунат», «Орол кўз ёшлари» ва бошқа тасвирий санъат асарлари туркуми.

Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси тақдим этган.

3. **Ҳайдаров** Исфандиёр — рассом. «Чинор», «Ревком», «Хива. 20-йиллар», «Худойберган Девонов портрети» ва бошқалар.

Ўзбекистон Рассомлар союзи тақдим этган.

КИНЕМАТОГРАФИЯ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СОҲАСИДА

1. **Ройзман** Зиновий Александрович — постановкачи режиссер, **Нуритдинов** Қаҳрамон Низомович — постановкачи рассом, **Еременко** Николай Николаевич, **Эргашев** Шуҳрат Иброҳимович — бош ролларни ижро этувчилар. К. Ерматов номли «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган «Революция вакил қилган» телевизион бадиий фильми.

Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениеси тақдим этган.

2. **Салимов** Даврон Исмоилович — режиссёр-оператор. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида яратилган «Дунё болаликдан бошланади», «Ойна», «Мулоқот», «Даврни тингла», «Маҳалла», «Эркаклар. Эркак! Эркаклар?» ҳужжатли фильмлари.

Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениеси тақдим этган.

3. **Юнусов** Мақсуд — сценарий муаллифи, постановкачи режиссер, **Қурбонов** Тўлқин — телеоператор, **Саъдиев** Ёдгор — бош роль ижрочиси. Турғун Пўлат повести асосида яратилган тўрт серияли «Ичкуёв» телевизион бадиий фильми.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети тақдим этган.

4. **Юсуфжонова** Ўғилой, **Ёқубов** Дадахон, **Маҳкамов** Мелибой, **Камолов Рафаил** — ахлоқ ва қайта қуриш мавзуидаги «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» бадиий-публицистик телевизион очерклар тўпламн ижодкорлари.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети тақдим этган.

ТЕАТР СОҲАСИДА

1. **Отабоев** Носир Аминжонович — постановкачи режиссер, **Халилов** Набижон — дирижер, **Бекназаров** Турғун Саидович, **Бекчонова** Меҳри Ғуломовна, **Ғафуров** Маҳмуджон, **Раҳматова** Фарогат — бош ролларнинг ижрочилари. Собир Абдулла ва Тўхтасин Жалиловнинг Муқимий номли Ўзбек давлат музикали театри саҳнасида қўйилган «Гул ва Наврўз» музикали драмаси.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи тақдим этган.

2. **Гвоздков** Вячеслав Алексеевич — постановкачи режиссер, **Бенедиктов** Станислав Бенедиктович — постановкачи рассом, **Баграмов** Владимир Игоревич, **Гаврилюк** Павел Александрович, **Цветков** Валерий Иванович — бош ролларнинг ижрочилари. М. Шатровнинг пьесаси асосида М. Горький номли Рус давлат академик драма театри саҳнасида қўйилган «Узоқ-узоқларга!» («Дальше... дальше... дальше!») спектакли.

Тошкент трактор заводи. Олмалиқ рўзғор химияси заводи меҳнат коллективлари, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги тақдим этган.

3. **Ниёзматов** Ибодулла Абдуллаевич — постановкачи режиссёр **Оллоберганов** Отахон — постановкачи рассом, **Ортиқов** Ҳожихон — В. И. Ленин ролини ижро этувчи. Хоразм область Огаҳий номли Ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрида қўйилган К. Яшининг «Йўлчи юлдуз» ва Н. Погодиннинг «Кремль курантлари» спектакллари.

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи тақдим этган.

4. **Холмирзаев** Шукур — драматург, **Йўлдошев** Баҳодир Турсунович — постановкачи режиссер, **Аминов** Фарҳод Алимович, **Орипов** Мирҳосил, **Юнусов** Обиджон — бош ролларни ижро этувчилар. «Ёш гвардия» Ўзбек давлат драма театри саҳнасида Ш. Холмирзаевнинг пьесаси асосида қўйилган «Қора камар» спектакли.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг драматургия ва кинодраматургия кенгаши, «Ёш гвардия» Ўзбек давлат драма театри коллективи тақдим этган.

5. **Ҳамидов** Рустам Муҳсинович — постановкачи режиссёр, **Аъзамов** Ғани, **Зокирова** Гавҳар, **Каримов** Толибжон Раупович, **Қосимов** Бахтиёр Неъматович, **Мўминов** Теша Ҳусанович, **Муҳаммаджонов** Зикир. Норбоева Светлана Абдулҳақовна — бош ролларни ижро этувчилар. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театри ва В. И. Ленин номли ССРР халқлари дўстлиги саройи саҳналарида қўйилган спектакль.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театри коллективи тақдим этган.

6. **Юсупов** Иброҳим — режиссёр-балетмейстер, **Фесько** Станислав Иосифович — постановкачи рассом, **Абдуқаюмов** Абдуғани Абдумаликович — дирижёр, **Бозоров** Ҳасан Юсупович, **Давлетмуротова** Замира Турдимуротовна, **Исаева Феруза** Абдувалиевна, **Кистанов** Игорь Тимофеевич — бош ролларни ижро этувчилар. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри саҳнасида қўйилган композитор Улуғбек Мусаевнинг «Тўмарис» балети.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги тақдим этган.

МУЗИКА ВА КОНЦЕРТ —ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА

1. **Бобоев** Собир — композитор. «Фидойилар» операси. Ўзбекистон ССР Композиторлар союзи тақдим этган.

2. **Зокиров** Фарруҳ Каримович — бадиий раҳбар, **Илёсов** Рустам Абдусаматович — музика раҳбари, **Кожевникова** Алла Владимировна — постановкачи рассом, **Алиев** Аббос Саидович, **Тўхтаев** Жавлон Рамзитдинович — «Ялла» ансамблининг етакчи солистлари. ЎзССР Давлат хизмат кўрсатган «Ялла» вокал-чолғу ансамблининг — «Яллама ёрим, ялла» ва «Чойхона» концерт программалари.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги тақдим этган.

3. **Исмоилов** Ҳошимжон — композитор, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг «Мақом» ансамбли раҳбари. «Тинчлик», «Меҳнат», «Ойбулоқ», «Қай китобда эдинг», «Торимга», «О, Тошкентим» қўшиқлари туркуми ва бошқа қўшиқлар.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети тақдим этган.

4. **Юсупов** Матниёз — композитор. «Хоразм мақомлари» ва беш томлик «Ўзбек халқ музикаси» тўпламлари.

Ўзбекистон ССР Композиторлар союзи тақдим этган.

АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА

1. **Қодирова** Тўлқиной Фозилжоновна — архитектор, «Совет Ўзбекистони архитектураси» монографияси.

Ўзбекистон Архитекторлар союзи тақдим этган.

САНЪАТ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ СОҲАСИДА

1. **Қодиров** Муҳсин Халилович — «Саҳнамиз лочинлари» китоби.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Ҳамза номли санъатшунослик институти тақдим этган.

2. **Қароматов** Файзулла Музаффарович, **Визго** Тамара Семеновна, **Мешкерис** Вероника Александровна — «Тасвирларда музика тарихи» (Марказий Осиё) китоби.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Ҳамза номли санъатшунослик институти тақдим этган.

3. **Фахриддинова** Деляра Аҳатовна — «Ўзбекистоннинг заргарлик санъати» китоби.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Ҳамза номли санъатшунослик институти тақдим этган.

4. **Ҳакимов** Анвар Абдуллаевич — «Ўрта Осиё республикаларининг замонавий безаш санъати» монографияси ва «Ўрта Осиё санъати» китоб-альбомидаги «Ўрта Осиё республикаларининг безакли-амалий санъати» боби.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Ҳамза номли санъатшунослик институти тақдим этган.

* * *

Конкурсга тақдим этилган ишларнинг матбуот органларида, телевиденне кўрсатувларн ва радиоэшиттиришларида, шунингдек кенг жамоатчилик томонидан фаол муҳокама қилиниши комитетга Ҳамза номли мукофотни бериш борасида катта ёрдам кўрсатади. Комитет Ҳамза номли мукофотни олишга тақдим этилган номзодларни муҳокама қилишда иштирок этган, ана шу масалалар хусусида оммавий ахборот воситалари орқали ёки комитетга ёзилган хатларда баён этилган фикрлар, таклифлар ва мулоҳазалар учун жюдий ва жамоат ташкилотларидан, маданият ҳодимлари ва мухассисларидан ва барча меҳнаткашлардан миннатдор бўладн.

Мукофотга тақдим этилган ишлар юзасидан фикрлар, таклифлар ва мулоҳазалар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ҳамза номли давлат мукофотлари комитетига қўйидаги адресга жўнатилсин: 700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 98-ўй, 40-хона.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

31 июль, душанба

ЎзТВ-I. 18.05 «Ўраки трагик». Телеспектакль. 18.55 Болалар учун фильм. 19.50 «Гулистон» таклиф этади. 20.00 Ахборот. 20.20 Болалар ва театр. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 22.30 «Жанговар машина экипажи». Бадиий фильм.

МТ.I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 Футбол шарҳи. 10.05 «Минора». Бадиий фильм. 11.30 Ҳайвонот оламида. 16.00 Концерт. 16.30 Ҳужжатли фильмлар. 17.05 Оқам, дадам ва мен. 17.35 Мультфильмлар. 18.15 Ҳужжатли фильм. 18.45 Халқ ижодиёти. 19.15 Концерт. 19.30 Тинч океан узра мўътадил шабадалар. 20.15 Қисқа метражли бадиий фильмлар. 21.30 Время. 22.05 «Наврўз-89». 22.50 Футбол шарҳи. 23.20 Концерт. 00.35 Дунё воқеалари.

МТ.II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Икки цивилизация учрашуви. 9.05 Итальян тили. 9.35 Фильм-концерт. 10.20 Мультфильмлар. 11.15 Дарс ва ўзим ҳақимда. 11.30 Бу оламни ҳаяжонлантирмоқда. 11.45 «Миттивой». Бадиий фильм. 13.05 Фильм-концерт. 13.35 Ҳужжатли фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Концерт. 18.30 Мультфильм. 18.40 Реклама. 18.45 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 19.45 Астрахань телевидениеси студиясининг программаси. 20.15 Халқ куйлари. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 «Қучоғингдаман, Ватан!» 21.20 Концерт. 21.30 Время. 22.05 «Кўрфаалар». Бадиий фильм. 23.25 Футбол. «Днепр» — «Динамо» (Тб). 01.05 Янгиликлар.

1 август, сешанба

ЎзТВ-I. 15.00 Советлар мамлакатининг кишилари. 16.15 «Қизил асаларилар». Бадиий фильм. 17.25 Инженер кадрлар масаласи. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.30 Ижод саҳифалари. 19.30 Мелиорация — юқори ҳосил гарови. 20.00 Ахборот. 20.20 Манзарали фильм. 20.30 Мультфильм. 20.40 Халқ ғозаси ижодида. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Соқоя ва муҳаббат». Бадиий фильм.

МТ.I 7.00 «120 минут». 9.05 Қисқа метражли бадиий фильмлар. 10.20 Бу бўлган... бўлган ди. 10.40 «Наврўз-89». 11.25 Концерт. 16.00 Музикали хазина. 16.50 Мультфильмлар. 17.30 Ҳужжатли фильм. 18.00 Вор бўл, музика. 18.45 Ҳокимият— Советларга! 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Концерт. 20.00 Ҳужжатли фильм. 20.15 Яшар эканмай... 21.30 Время. 22.05 Концерт. 22.30 Ревонанс. 24.00 Ёш моделерларнинг конкурси 00.45 Дунё воқеалари.

МТ.II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Икки цивилизация учрашуви. 9.05 Концерт. 9.45 Француз тили. 10.15 Мультфильмлар. 11.10 Ҳужжатли фильм. 11.30 Янгиликлар. 11.40 Француз тили. 12.10 «Тўрт таянчи ва ит». Бадиий фильм. 1-серия. 13.05 Ҳужжатли фильм. 13.30 Ритмик гимнастика. 14.00 «Кўрфаалар». Бадиий фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 1-серия. 18.50 Реклама. 18.55 Ритмик гимнастика. 19.25 Ҳужжатли фильмлар. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 1-серия. 23.15 «Тонгги почта». 23.45 Янгиликлар.

2 август, чоршанба

ЎзТВ-I. 15.00 «Кохановкалик артист». Бадиий фильм. 16.15 Ҳужжатли фильм. 17.25 Тошкент қишлоқ хўжалиги техникуми ҳақида. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.30 Камалак. 19.15 Ешлик. 20.00 Ахборот. 20.15 Хат ва ҳаёт. 21.00 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Долзарб мавзу. 22.55 «Сирли шарча». Бадиий фильм.

МТ.I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.45 «Яшар эканман». 11.00 Камалак. 11.25 Саёҳатчилар клуби. 16.00 Болалар учун фильм. 17.10 Концерт. 17.50 Мультфильм. 18.05 Ҳужжатли фильмлар. 18.30 Импульс. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Концерт. 19.50 «Воғбон». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Босқичлар. 23.35 Дунё воқеалари. 23.50 Концерт

МТ.II. 8.30 Гимнастика. 8.50 Икки цивилизация учрашуви. 9.10 Фильм-концерт. 9.40 Немис тили. 10.10 Фильм-спектакль. 11.30 Янгиликлар. 11.40 Немис тили. 12.10 «Тўрт таянчи ва ит». Бадиий фильм. 2-серия. 13.05 Мультфильмлар. 13.30 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 1-серия. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 2-серия. 18.30 Фильм-концерт. 19.15 Пенза телевидениесининг программаси. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 2-серия. 22.55 Ҳужжатли фильм. 23.40 Янгиликлар.

3 август, пайшанба

ЎзТВ-I. 15.00 «Ватандан узоқда». Бадиий фильм. 16.25 Телефильмлар. 17.25 Ҳарбий-ватанпарварлик клуби ҳақида. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.45 Ешлик. 19.30 Дин ва жамият. 20.00 Ахборот. 20.20 Дала неъматлари — эл дастурхонига. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 22.35 Оламга саёҳат.

МТ.I. 7.00 «120 минут». 9.05 Вор бўл, музика. 9.50 «Воғбон». Бадиий фильм. 11.30 Босқичлар. 16.00 Асрлар қаъридан. 16.30 Болалар учун фильм. 17.40 Ҳужжатли фильм. 18.10 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.55 Мультфильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Фильм-концерт. 20.00 Мультфильм. 20.15 Позиция. 21.30 Время. 22.05 Испан операси юлдузлари. 23.00 Дунё воқеалари. 23.15 Рус санъати Англияда

МТ.II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Илмий-оммабоп фильм. 9.15 Фильм-концерт. 10.00 Испан тили. 10.30 Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 11.30 Янгиликлар. 11.40 Испан тили. 12.10 «Тўрт таянчи ва ит». Бадиий фильм. 3-серия. 13.05 Мультфильмлар. 13.30 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 2-серия. 14.20 Ҳужжатли фильм. 14.50 Фильм-концерт. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 3-серия. 18.50 Реклама. 18.55 Озарбайжон ССР давлат телерадиоси. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 3-серия. 23.15 Велопойга. СССР чемпионати. 23.45 Янгиликлар.

4 август, жума

ЎзТВ-I. 15.00 «Инсон ва табиат». 15.45 «Катта трамплин». Бадиий фильм. 17.00 Янги Шарқ театри ҳақида. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.30 «Саноатда ишара пудрати». 19.00 Футбол. «Пахтакор» — «Факел». 20.50 Маорифимиз муаммолари. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Музикали программа. 23.05 «Тўй айбланади». Бадиий фильм.

МТ.I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.50 Позиция. 11.05 Инсон институти. 12.05 Концерт. 16.00 Фильм-концерт. 16.30 Ҳужжатли фильм. 16.55 Мультфильмлар. 17.25 Қувноқ стартлар. 18.10 Концерт. 18.30 Фан: назария, тажриба, практика. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Жуна саволларга жавоб беради. 20.00 Кинопанорама. 21.30 Время. 22.05 Қўғирчоқ театри оламн. 23.00 Дунё воқеалари. 23.15 Халқаро телевизион фестивали.

МТ.II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Илмий-оммабоп фильм. 9.05 Қалбга яқин қўшиқлар. 9.50 Инглиз тили. 10.20 Ҳужжатли фильм. 10.40 Мультфильмлар. 11.00 Ритмик гимнастика. 11.30 Янгиликлар. 11.40 Инглиз тили. 12.10 «Тўрт таянчи ва ит». Бадиий фильм. 4-серия. 13.05 Мультфильмлар. 13.30 «Хавф ли бурилиш». Бадиий фильм. 3-серия. 17.30 Янгиликлар. 17.40 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. 19.00 СССР Олий Совети комиссиялари ва комитетларида. 19.30 Халқ куйлари. 19.45 Ритмик гимнастика. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. 23.25 Футбол. «Черноморец» — «Спартак». 01.05 Янгиликлар. 01.15 Велопойга.

5 август, шанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Кинопрограмма. 10.40 «Уруш арафасида». Спектакль. 11.55 Безовчи рассом. О. Холиқов ижоди. 12.30 Бархаёт наволар. 14.10 Ҳужжатли экран. 15.10 «Вош масала». 17.55 Болалар учун фильм. 18.45 Ровестник. 19.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 20.00 Ахборот. 20.20 Телевизион киножурнал. 20.40 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Онла сирлари». Бадиий фильм.

МТ.I. 7.00 «120 минут». 9.05 Уй академияси. 9.35 Яил фаслари. 10.35 Мультфильмлар. 11.20 Концерт. 12.10 Социализм мамлакатларида. 12.40 Мўъжизасиз-мўъжизалар. 13.45 Дунё воқеалари. 14.00 Шанба ота-оналар куни. 15.30 Болалар учун фильм. 16.40 Мультфильм. 17.15 Концерт. 18.10 Ҳужжатли фильм. 18.50 Халқаро программа. 19.50 Шукшин фильмлари ва роллари. 21.30 Время. 22.05 Қўғирчоқ театри олами. 22.55 Хиросима ва Нагасаки фожиаси ҳақида ҳикоя.

МТ.II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 9.50 Футбол «Черноморец» — «Спартак». 11.30 Информацион кўрсатув. 11.45 Мультфильм. 11.55 Фильм-опера. 13.30 Реклама. 13.35 Янгиликлар. 13.45 «Пилигрим капитани». Бадиий фильм. 15.15 Эстония телерадиосининг кўрсатуви. 15.45 Фильм-спектакль. 17.35 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.20 Мультфильм. 18.35 «Маршал Конев ҳақида қисса». 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Время. 22.05 «Цирк гумбази остида». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия. 00.20 Янгиликлар. 00.30 Велоспорт.

6 август, якшанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Кинопрограмма. 10.35 Виргалиқда куйлаймиз. 11.00 Ўрта Осиё темир йўлининг тарихи ва бугунги куни. 12.00 Шахмат мактаби. 12.30 Болалар учун спектакль. 13.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. 15.10 «Шифобахш масканлар». 16.05 Реклама. 18.00 Мультфильмлар. 18.20 Болалар учун концерт. 19.10 В. Шукшин. Телевизион новеллалар. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.35 Мусиқа ва газал оқшоми. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Малласоч аёл». Бадиий фильм.

МТ.I. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.20 Спортлото. 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.30 Ҳужжатли фильм. 13.50 Шеърият лаҳзалари. 14.00 Музикали киоск. 14.30 Киноафиша. 15.30 Балет асари музикаси. 16.00 Москва — Хельсинки телекўприги. 17.00 «Камалак». 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильм. 19.25 1989 йил қўшиқлари. 19.40 «Бахт ўлкаси ёки Мовий қуш билан юзма-юз. Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Қўғирчоқ театр оламн. 23.05 Концерт.

МТ.II. 8.30 Заряднага сафланинг. 8.50 «Болохонали уй». Бадиий фильм. 10.10 Ҳужжатли фильм. 11.00 «Акс садо». 11.15 Агар сиз... 12.00 Ҳужжатли фильм. 12.50 Концерт. 14.00 СССР ИИМ ҳабар қилади. 14.10 Спорт ҳамма учун. 14.25 Мультфильм. 14.35 Латвия телевидениеси программаси. 17.05 Киносерпантин. 19.15 Енгил атлетика. Европа кубоги. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Киносерпантин. 23.20 Янгиликлар. 23.30 Киносерпантин.



«Гулёр»нинг довруғи ошмоқда. Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз клуби қошида ташкил этилган бу фольклор ансамбль қатнашчиларининг саҳнага чиқишларидан кўпчилик мамнун. Ансамбль қатнашчиларининг район кўригида биринчи ўринни олишлари эса ўзига хос воқеа бўлди.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

КОЛХОЗДА ОЛТИТА БОҒЧА

Элликқалъа районидаги Калинин номли колхозда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида савдо марказн, новвойхона, кондитер цехи қуриб берилган. Бешта болалар боғчасида фарзандлар тарбияланмоқда.

Яқинда 190 ўринли олтинчи болалар боғча-ясли комбинати ишга тушди. Янги масканда барча қулайликлар яратилган. Уни 310-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна бинокорлари қуришди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ХУШХАБАРЛАР

✦ Қорақалпоғистоннинг Ленинобод районидаги Жуков номли совхоз комсомолёшлар мақомини олди. Бу ерда зарар келтириб ишлаётган хўжаликни ёшлар қўлига топшириш орқали қарзлардан қутулишга, рентабелликнинг мустаҳкам пойдеворини бунёд этишга, ёшларнинг қишлоқдан кетиб қолишини тўхтатишга умид қилмоқдалар. Область комсомол комитетининг ходимлари совхозни ўз оталиқларига олдилар. Ёш деҳқонлар ижара пудратига тўла ўтиб, қишлоқ хўжалик кооперативини ташкил қилдилар.

✦ Гулистон шаҳри билан Улуғобод қишлоғи Сирдарё областида тозалик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш кўрик-конкурсининг ғолиблари бўлишди. Уларга мукофотлар топширилди. Бу мукофотлар инфраструктурани янада ривожлантиришга сарфланади. Областдаги район марказлари орасида Бахмал, посёлкалар орасида эса Зомин районидаги Бўстон посёлкаси энг яхши аҳоли пунктлари деб топилди.

(ЎзТАГ).

• Спорт

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ФАХРЛИ ЎРИНЛАР

Горький шаҳрида якунланган мамлакат чемпионатида республикамиз вакиллари муваффақиятли иштирок этдилар. Чунончи, югурувчиларимиздан М. Шмонина, И. Матросовалар-нинг чиқишлари мутахассисларда яхши таассурот қолдирди. Р. Татауллин лангар билан сакрашда жаҳон рекорди ўрнатишга даъвогар эканлигини яна бир бор кўрсатди. Шунингдек, С. Усов, 110 метрга тўсиқлар оша югуришда 13,56 секундли натижа билан чемпионатнинг кумуш медалига сазовор бўлди. Найза отиш бўйича 79,86 метрли маррани эгаллаган В. Зайцев тўртинчи натижа кўрсатди. Чемпионат баҳслари Европа кубогига тайёргарликнинг муҳим босқичларидан бири бўлиб қолди.

ФУТБОЛ:

КЕЧИКТИРИЛГАН УЙИНДА

Маълумки биринчи лига коллективлари мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи даври ўйинларини бошлаш арафасида туришибди. Куни кеча эса биринчи даврининг кечиктирилган учрашуви ўтказилди. «Гурия» футболчилари «Геолог» коллективини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу ютуқдан кейин Ланчхути футболчилари 29 очко билан мавқеларини мустаҳкамлашди. СССР кубоги учун нимчорак финал иштирокчилари ўртасида кураш ташланиб, командаларнинг учрашув ўтказиш кунлари аниқланди. Жумладан, «Пахтакор» командаси «Металлист» футболчилари билан 12 ва 16 ноябрь кунлари майдонга тушадиган бўлишди.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04247. Б. — 178. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12